ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 1997 йил, 7 июнь, шанба № 68 (864). ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Суббота, 7 июня 1997 г., № 68 (864). ● В розницу — цена свободная

Газета издается с 24 июня 1992 г.

Ишонч ёрлиқлари топширилди

6 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Саудия Арабистони подшоҳлигининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Абу Бакр Аббос Рафиа ишонч ёрлиғини топширди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистонда Саудия Арабистонининг биринчи элчиси фаолият бошлаганидан мамнуният билдириб, Абу Бакр Аббос Рафиани ушбу шарафли вазифада иш бошлаётгани билан қутлади. Шунингдек, Президент Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш йўлида элчи жаноблари меҳнати алоҳида аҳамият касб этажагини айтди.

Абу Бакр Аббос Рафиа мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, халқларимизни бир-бирига яқинлаштириш йўлида бор кучғайратини аямаслигини таъкидлади.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Александр Пацев ҳам ишонч ёрлиғини топширди.

— Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқалар узоқ тарихга бориб тақалади. Халқларимизни бир-бирига боғлаб турадиган кўплаб ришталар мавжуд,— деди Ислом Каримов ишонч ёрлиғини қабул қилиб олар экан.— Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ўзаро муносабатларимиз тенглик негизига қурилган янгича тамойиллар асосида шаклланди. Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ҳар икки томон учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

А. Пацев Россия ҳукумати Ўзбекистонда кечаётган иқтисодий-сиёсий ислоҳотлар жараёнини катта қизиқиш билан кузатиб бораётганини айтди. Шунингдек, у мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ишига имкон қадар ҳисса қўшажагини билдирди.

***

6 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Испаниянинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Хосе Антонио Де Итурриата Барберан ишонч ёрлиғини топширди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистонда юксак халқаро мавқега эга бўлган Испания давлати элчихонасининг очилиши қувонарли воқеа эканини таъкидлади. Шарафли ва масъулиятли вазифасини бажаришда Испания элчисига муваффақият тилади.

Хосе Антонио Де Итурриата Барберан Испаниянинг Ўзбекистон билан муносабатларни янада яхшилаш ҳамда ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини қайд этиб, зиммасига юкланган вазифани шараф билан ado этишга ҳаракат қилажагини таъкидлади.

***

Шунингдек, 6 июнь куни Президент Ислом Каримовга Марокаш подшоҳлигининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Аҳмад Бурзаим ишонч ёрлиғини топширди.

Мамлакатимиз раҳбари Марокаш подшоҳлигини халқаро можароларни ҳал этишга катта улуш қўшаётган давлат деб билишини айтиб, масъулиятли миссиясини бажаришда Аҳмад Бурзаимга муваффақият тилади.

Марокаш элчиси кўрсатилган самимият ва ишонч учун президентга миннатдорлик билдирди, зиммасига юкланган вазифани ado этишда куч-қувватини аямаслигини таъкидлади.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимида Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Қомилов иштирок этди.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

5 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Американинг «Дановант интерпрайсиз ИНК.» компанияси бошқаруви раиси Кенжа Вильям Б. Дановант раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

«Дановант интерпрайсиз ИНК.» пахта сотиш бўйича дунёдаги энг йирик компаниялардан бири ҳисобланади. Пахтани тозалаш, сақлаш ва харидорга етказиб бериш ҳам мазкур компаниянинг фаолияти қамровига киради. Шу боис суҳбат чоғида Президент Ислом Каримов Ўзбекистон пахтачилигида юз бераётган ўзгаришлар, соҳани ривожлантиришнинг истиқболлари ҳақида сўзлар экан, жумладан, шундай деди:

— Биз ўртача учта хўжаликнинг пахтасини қайта ишлайдиган кичик завод лойиҳаларини ўрганмоқдамиз. Мўлжалдаги ана шундай заводни топсак, уни бутун мамлакат бўйлаб кўпайтиришга киришамиз. Шунда хомашё ва қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотларни фьючерс шартномалари бўйича сотиш мумкин бўлади.

Мулоқот чоғида «Дановант интерпрайсиз ИНК.» компанияси бошқаруви раиси Кенжа Вильям Б. Дановант ёқинда Тошкентда ўтган пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг йиғилишида иштирок этган американликлар билан учрашгани ва илиқ сўзлар эшитганини айтиб, Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишдан фахр туйишини қайд этди. Шунингдек, Кенжа Б. Б., Дановант Ўзбекистонда плёнка остига чигит экиш тажрибаси яхши самара бераётганидан воқиф бўлганини маълум қилиб, Ўзбекистон пахтачилигидаги юз бераётган бундай ўзгаришларга юқори баҳо берди.

Суҳбат чоғида хомашё ва қайта ишланган маҳсулотларни харидорга етказиб бериш, ҳамкорликда пахтачилик маркетинги бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш, «Дановант интерпрайсиз ИНК.» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган «ЎзДАН» Америка—Ўзбекистон қўшма маркетинг компанияси фаолияти кўламини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Бош вазир Ўринбосари А. Муҳитдинов, Ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ганиев иштирок этди.

(ЎзА).

ПОСЛАНИЕ ПРЕЗИДЕНТУ

ЕГО ПРЕВОСХОДИТЕЛЬСТВУ ИСЛАМУ АБДУГАНИЕВИЧУ КАРИМОВУ ПРЕЗИДЕНТУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Многоуважаемый и дорогой Президент!

По возвращении в Италию я хочу передать Вам мою искреннюю благодарность за столь теплый и дружеский прием, за гостеприимство, оказанное мне, моей дочери Марианне и всей сопровождавшей меня делегации.

Об этом визите в Узбекистан и о встречах с Вами я сохраню очень приятные воспоминания. Наши беседы подтвердили, насколько прочные и глубокие узы дружбы и солидарности связывают Италию и Узбекистан и насколько богаты и плодотворны перспективы укрепления наших связей во всех областях.

Мы смогли констатировать общее стремление наших стран к миру, стабильности и сотрудничеству в интересах развития Центральной Азии и в интересах более тесных и плодотворных отношений с Европой.

Я особенно удовлетворен подписанием в ходе визита некоторых документов, которые станут отправным пунктом для продолжения развития двусторонних отношений.

Я хотел бы подтвердить Вам приглашение совершить официальный визит в Италию, и я еще раз сердечно благодарю Вас от своего имени и от имени моей дочери Марианны.

Я переговорил с Премьер-министром Проди о его скорейшем визите в Узбекистан.

С сердечными воспоминаниями,

Оскар Луиджи СКАЛЬФАРО,
Президент Итальянской Республики.

Замонавий кадрлар— тараққиётимизнинг муҳим омилидир

5 ИЮНЬ КУНИ ТОШКЕНТДА «КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ДАСТУРНИ ТУЗИШ» КОМИССИЯСИНИНГ ИЙҒИЛИШИ БЎЛДИ, МАЖЛИСНИ РЕСПУБЛИКА ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ БОШҚАРДИ

Унда тегишли вазирликлар, қўмиталар, уюшмалар, жамғармалар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, мутахассислар иштирок этди.

Мамлакатимизда ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тақдирида, одамлар дунёқарашининг ўзгаришида, бўюк давлат барпо этишдек олийжаноб орзуимизнинг рўёбга чиқишида замон талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади, деди Президент. Ана шу мақсада шу йил бошида давлат комиссияси тузилиб, унга республикада кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур ишлаб чиқиш вазифаси топширилган эди. Бугунги йиғилишдан мақсад мазкур дастурда кўзда тутилган талабларга муносабат билдириш, таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилишда унга қандай ўзгартиришлар киритиш ҳақида комиссия аъзолари, мутахассислар билан яна бир карра фикр алмашиб олишдир.

Дастурда кўзда тутилган асосий мақсад нимадан иборат? Биринчидан, биз эркин, демократик жамият барпо этаяпмиз. Бозор муносабатлари ҳаётимизга теран кириб бормоқда. Маънавиятни юксалтириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Қисқача айтганда, дунёқарашимиз, ҳаётимиз ўзгармоқда. Лекин таассуфки, республикада кадрлар тайёрлаш, таълим-тарбия тизимида жиддий ўзгариш рўй бермаяпти. Аслида ислоҳотларни мана шу соҳадан бошлаш керак эди. Бу тизимдаги ишларимиз ҳамон эски қолипда давом

(Давоми 2-бетда).

● «КООПЕРАТИВ НАГГЕТ-97»

Взвод Америка сафарига шай

Илгари ҳабар берганимиздек, «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастури бўйича бу йил АҚШнинг Луизиана штатидаги Форт Полк ҳарбий базасида қатор давлатлар Қуролли Кучлари вакиллари билан ҳамкорликда ўтказиладиган ҳарбий машқлар «Кооператив наггет-97» номини олган. Мазкур ҳарбий машқларда иштирок этадиган Марказий Осиё регионида тинчликни сақлашга қаратилган батальон жангчиларидан ташкил топган бизнинг ротамиз взводи жамоасининг ҳар бир аъзоси бу вазифага масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда ёндашаяпти.

Ушбу бўлинманинг офицеридан тортиб то оддий аскаригача том маънода теран билишадики, улар Америкада Ўзбекистон қудратини, ҳарбий салоҳиятини маълум маънода намойиш этишади. Шу боис ҳам тайёргарликлар жараёнида тажрибали аскарлар билганларини ёрдамга муҳтож сафдошига қунт билан ўргатди, билмаганларини офицер-командирларидан сўраб, ўқиб олди. Бу — ҳарбий машқлар раҳбари, взвод командири ва аскарлар сўзларида ҳам ўз ифодасини топган.

— Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари вакиллари «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастури бўйича ўтказилаётган ҳарбий машқларда биринчи марта қатнашаётгани йўқ. Мустақилликка эришганимиздан кейинги йилларда бир неча бор халқаро миқёсда ўтказилган ҳарбий машқларда офицер ва аскарларимиз иштирок этишди.

Бу — келажаги буюк Ватанимизнинг иқтисодий, сиёсий соҳаларда бўлгани каби ҳарбий соҳада ҳам нуфузи ортиб бораётганидан далолатдир. Халқаро миқёсда ўтказилаётган бундай машқларда ҳарбийларимиз ҳам касбий маҳоратини оширадилар, ҳам кўплаб миллат ва элатлар вакиллари билан бевосита мулоқотда бўлишиб, дўстлик ришталарини мустаҳкамлайдилар.

Ушбу Луизиана штатида бўладиган «Кооператив наггет-97» ҳарбий машқларида ҳам АҚШ, Канада, Бельгия, Туркия, Украина, ва бошқа жами 22 давлат Қуролли Кучлари вакиллари иштирок этишади. Унда жангчиларимиз назорат қилиб ўтиш пунктларини ташкил қилиш, содир этилиши мумкин бўлган можароларнинг олдини олиш, инсонпарварлик юкларини кузатиб бориш, жойларни минадан тозалаш каби машқларни бажарадилар. Ўйлайманки, олдиндан яхши тайёргарлик кўришган жангчиларимиз бу Қуролли Кучларимизнинг нуфузи янада ошишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар, — дейди машқлар раҳбари офицер Шокир Жўраев.

— Авваламбор, менга шундай масъулиятли вазифа ишониб топширилганидан мамнунман, — дейди Марказий Осиё батальонининг «Кооператив наггет-97» ҳарбий машқларида қатнашувчи взвод командири лейтенант Азамат Билолов. — Мазкур ҳарбий машқларда тайёргарлик кўриш жараёнида шахсий таркибимиз парашютда сакраш, жанговар қуролдан нишонга отиш, тўла жиҳозланган ҳолда узоқ масофага югуриш сингари машғулотлар билан фаол шуғулланишди.

Сержант ва оддий аскарларимиз барчасининг кайфияти аъло, бир-бирлари билан муносабатлари дўстона. Аъло кайфият ва дўстлик устун бўлган жойда эса муваффақият қозонилиши кутилган гап. Мана, орадан яна икки кун ўтиб биз Америка Қўшма Штатлари томон йўлга тушамиз. Аминманки, барча аскарларимиз бу ҳарбий машқларда ўз касбий малакаларини янада ошириб, аъло кайфият билан жонажон Ўзбекистонимизга қайтиб келадилар.

— Мен, дейди Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳридан 1996 йил май ойида чақирилган оддий аскар Алижон Абдурахмонов, — Марказий Осиёда тинчликни сақлаш мақсадида ташкил қилинган батальон таркибида йигитлик бурчимни ўтаётганимдан жуда-жуда ҳурсандман. Бу ерда парашютда сакраш, жанговар қуроллардан фойдаланиш сир-асрорларини пухта эгаллаб олдим.

Америкада ўтказиладиган тинчликпарварлик ҳарбий машқларига тайёргарлик кўрар эканман, ўз касбий малакамни янада оширдим. Спорт билан яна ҳам кўпроқ шуғулландим. Ўзим ва сафдошларим номидан ишонтириб айтаоламанки, мазкур машқларда ҳам юксак маҳоратлилик ҳамда тартиб интизому уюшқоқлик намуналарини кўрсатиб, суюкли Ўзбекистонимиз довруғини янада баланд кўтарамиз.

— Мен ҳам барча сафдошларим қатори Америкада ўтказиладиган ҳарбий машқларда иштирок этиш бахтига муяссар бўлганимдан беҳад бахтиёрман, — дейди хизматга бултур ноябрь ойида Қашқадарё вилоятининг Нишон туманидан чақирилган оддий аскар Шодлик Қодиров. — Биз офицер-командирларимиз раҳбарлиги остида бу машқларга пухта тайёргарлик кўрдик. Шу боис ҳам ишонтириб айтаманки, олдимизга қўйилган барча вазифаларни аъло даражада уддалаб Ватанимиз ва армиямиз обрўси янада юксалишига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

Майор Х. ЖУМАНАЗАРОВ.



Термиз гарнизони посбонлари ҳам ёзги ўқув машғулотини кўтаринки кайфият ила бошлаб юборишди. Катта лейтенант Ҳамид Нарзиев стаканчилигидаги взвод жангчилари ўқув машғулотларда юқори масъулиятлилик ила қатнашмоқдалар.

СУРАТДА: Катта лейтенант Х. Нарзиев танк командири сержант Мўйдин Уринбоевга кўрсатмалар бераётир.

А. ЭШБОЕВ суратга олган.

РЕМОНТНИКИ ДАЮТ ГАРАНТИЮ

Равномерно жужжит токарный станок. Из-под резца, извиваясь, тянется раскаленная стальная стружка. Еще несколько минут — и рядовой Алексей Филатов кладет на стол готовую блестящую деталь. У другого токаря — рядового Сергея Бандуры накопилось уже солидное количество отреставрированных деталей. Их ждут ремонтники автомобильной техники. Вскоре они тоже включаются в работу, в которой участвуют командир взвода прапорщик Ильяс Худейбергенов и его заместитель прапорщик Фарход Расулов.

... Автомобильная техника в этом подразделении всегда исправна и готова выйти в рейс. В этом большая заслуга воинов-ремонтников, которые «врачуют» машины не только при поломках, но и при проведении профилактических работ. Каждый — специалист высокого класса, чувствующий ответственность за порученное дело.

Можно сказать, что у ремонтников не бывает несрочных работ. Они постоянно во всеоружии. Не смолкает звук металла, не прекращаются сполохи газоэлектросварки. Работа идет! Бывает, что она ведется и ночью — это если автомобиль, скажем, вернулся из рейса, дотянул до парка и стал. А ведь завтра — опять в рейс. Быстро выясняется поломка, намечается перечень работ, к которым, не мешкая, приступают солдаты. На следующий день исправленная машина вовремя отправляется в дорогу с пожеланием от ремонтников счастливого пути и с их надежной гарантией четкой работы автомобиля. Спасибо, друзья!

Да, для водителей ремонтники — настоящие друзья. Надежные и верные. Они всегда на посту. Кстати, находят для себя подчас и другое дело — так, авторемонтники рядовые Хасан и Хусан Усмановы в свободное от службы время навели образцовый порядок в комнате хранения личных вещей солдат и сержантов. Провели здесь ремонт. За что удостоились благодарности старшины роты и сослуживцев.

Такие они люди — ремонтники. С гарантией заботы о других.

А. АЛИМЖАНОВ.

ҲАЯЖОНГА ЛИММО-ЛИМ ҚАЛБЛАР

Ҳаётда шундай фараҳбахш дамлар бўладики, уни инсон умри давомида ҳаяжон билан, завқу-шавқда тўлиб эсга олади. Миллий гвардия сафида ўз йигитлик бурчини ўташга яқинда келишган аскарлар учун бир неча кун олдин ана шундай дамлар бўлди. Бу ерда ёш аскарлар Ўзбекистон халқи ва Президентимизга содиқликка, она-юртни кўз қорачиғидек ҳимоя қилишга Қасамёд қилдилар. Ушбу тантанада биз ёш аскарлар ота-оналари ва қариндошлари билан суҳбатлашдик.

— Мен Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги Зарафшон жамоа хўжалигида яшайман, — дея ҳаяжон билан сўз бошлади қўлида бир даста гул тутган Ойша опа Ўсарова. — Бугун бу ерга ўғлим Одилжоннинг ҳарбий Қасамёд қабул қилишини ўз кўзим билан кўриш учун қизим Меҳринисо билан келганман. Аввалига ўғлимнинг хизмат қилиш жойини кўрмаганим боис бир оз ҳавотирлангандим. Йўқ, бу ерга келиб ҳамма шарт-шароитларни кўргач, кўнглим жойига тушди.

Қобил ҲАМИДОВ (Когон туманининг Бухоро жамоа хўжалигидан):

— Ўғлим Зафаржон мана бир ойдирки, ҳарбий хизматни ўтамоқда. Зафаржон катта фарзандимиз. У армиягача Бухородаги автомобиль йўллари техникумида сиртдан ўқиб, автобазада ишлади. Мен ўғлимнинг ҳарбий Қасамёдига ҳамиша содиқ бўлишига чин дилдан ишонаман.

Нигора ЮСУПОВА (Нуробод туманининг Сазагон ижара хўжалигидан):

— Ҳозир мен укажоним Аброр Юсуповнинг ҳарбий Қасамёд қабул қилганини кўриб, юрагим ҳаяжонга тўлди. Қишлоғимга қайтганимда мен буни барчага фахр билан айтаман: «Аброржон Миллий Гвардиямизда хизмат қилаяпти».

ТошДУ талабалари Асрор БОЙБАЧЧАЕВ ва Норали ОЧИЛОВлар суҳбатлашди.

Аскарлар ҳузурида

Айтиш мумкинки, бу галги ўқув машғулотларининг бошланиши Нукус гарнизони учун қувончли воқеа — ҳақиқий байрамга айланиб кетди.

Армия ҳаёти билан яқиндан таниш бу мақсадида Қашқадарё вилоятидан ташриф буюрган делегация аъзолари Қорақалпоғистон ҳудудидаги ҳарбий қисмларда бўлишиб, аскарлар билан суҳбатлашдилар. Юрт, Ватан, бурч, эътиқод тўғрисида баҳслашишди. Тўғрироғи, «Ватанга хизмат — олий ҳиммат», «Халқ ва армия якдил» шиорлари остидаги оташин нутқлару бир-биридан қизиқарли мавзулар бўйича суҳбатлари билан Ватан ҳимоячиларининг қалбларига кириб боришди. Боболаримиз жасоратлари тарихидан ўгитлар, насиҳатлар айтишиб, улардаги ватанпарварлик туйғусини янада шакллантиришди. Мустақил она-юрт, бурч масъулияти тўғрисида гурунглашишди.

Маҳаллий ҳукумат вакиллари, ота-оналар, ёзувчи-шоирлар ҳамда маҳалла-кўй оқсоқолларидан иборат бўлган мазкур делегация ҳомий ташкилотлар ҳисобидан аскарлар учун ош дамлашиб, уларга совга-саломлар улашишди. Қисмга эса эсдалик совғалари, китоб ва журналлар, ҳар хил тарихий асарлардан намуналар туҳфа қилишди.

Пировардида эса делегация аъзолари ўзларининг ранг-баранг куй-қўшиқлари ва жозибали рақслари билан Ватан ўғлонлари дилини хушнуд этишди.

Ў. ҲАЙДАВОЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
(Телефон орқали).

(Мазкур делегация ташрифи ҳақида батафсил маълумот газетанинг кейинги сонларида берилади).

САЙЁРАМИЗ АДОСИ

ВАШИНГТОН, АҚШ Федерал қидирув бюроси (ФҚБ) директори Луис Фри Мемфис шаҳрида йўқолган ФҚБга қарашли курол-аслаҳаларни топиш бўйича қидирув ишлари олиб борилаётганини маълум қилди.

Маълумки, яқинда ичида курол ва ўқ доларни бўлган ФҚБга қарашли автомашиналардан бири ўғирланган эди. Айни пайтда ФҚБ ходимлари автомашинани топишга муваффақ бўлди, лекин ундаги курол ва ўқ дорилар йўқ эди.

НЬЮ-ЙОРК. БМТнинг инсонпарварлик ёрдам дастури ижрочи директори Катрин Бертиннинг маълум қилишича, инсонпарварлик ёрдами сифатида йил бошидан буён КХДРга 300 минг тонна озиқ-овқат маҳсулоти келтирилган. Бироқ, Шимолий Корея аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қоплаш учун бу старли эмас.

Маълумки, КХДРда икки йилдан буён озиқ-овқат танқислиги жиддий муаммо бўлиб турибди. Ҳозирги кунда бу мамлакат фуқаролари кунига 100 грамм озиқ-овқат истеъмол қилиш билан кифояланмоқда.

● Албания президенти Сали Беришга сиқасд уюштирилди. С. Бериш сайловолди компанияси муносабати билан фуқаролар билан учрашувга чиққан эди.

Албания телевидениесининг хабарига кўра, президент С. Бериш минбарда нутқ сўзлаётган пайтда унга қарата бомба отилган. Президентнинг жароҳати оғир эмас.

ВАШИНГТОН, АҚШнинг Луизиана штатидаги Форт-Полк номли ҳарбий базада 11 июндан 4 июлга қадар НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик дастури бўйича ҳарбий машқлар бўлиб ўтади. Унда дастурда иштирок этувчи 18 мамлакатдан 2000 дан ортиқ аскар ва зобит иштирок этади. Машқларда уруш вақтида инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш, бирғаликда ҳаракат қилиш тадбирлари ўрганилади.

Форт-Полкдаги машғулотларда ўзбекистонлик ҳарбийлар ҳам иштирок этади.

(ЎзА).

ПРОДОЛЖАЕТСЯ ПОДПИСКА НА ГАЗЕТУ «ВАТАНПАРВАР» НА 2-е ПОЛУГОДИЕ 1997 г.

Подписку на нашу газету можно оформить или непосредственно в издательстве «Ватанпарвар», или в местном почтовом предприятии концерна «Ўзбекистон почтаси». Срок представления заказов в отдел подписки издательства — до 15 июня.

Условия подписки на газету «Ватанпарвар»:

ПО ГОРОДУ ТАШКЕНТУ

При подписке в адрес воинской части (учреждения):
на 1 месяц — 67 сумов;
на 3 месяца—201 сум;
на 6 месяцев — 402 сума.
При подписке на домашний адрес:
на 1 месяц — 94 сума;
на 3 месяца — 282 сума;
на 6 месяцев—564 сума.

ПО ОБЛАСТЯМ РЕСПУБЛИКИ

При подписке в адрес воинской части (подписка оформляется через издательство «Ватанпарвар»):
на 1 месяц — 70 сумов;
на 3 месяца — 210 сумов;
на 6 месяцев — 564 сума.
Подписная цена с доставкой на домашний адрес устанавливается отдельно каждой областью. Ее можно уточнить в местном почтовом отделении. При оформлении подписки на газету «Ватанпарвар» в издательстве расчеты производить через РКЦ Ташгоуправления Центрального банка Республики Узбекистан.
Р/счет № 21506000200447951001.
Код банка (МФО) — 00014.

Замонавий кадрлар— тараққиётимизнинг муҳим омилидир

(Давоми. Бошы 1-бетда).

этмоқда ва у ҳозирги замон талабларига мутлақо мос эмас. Шунинг учун биз бу тизимга танқидий нуқтаи назардан баҳо беришимиз, миллий дастуримизда қандай узгаришларни амалга ошириш лозимлигини белгилаб олишимиз зарур.

Иккинчидан, тан олиб айтиш керакки, бизда қарор топган таълим-тарбия тизими марказдан бошқарилар эди. Шунинг оқибати ўлароқ, бу ишда турли палапартишликларга йўл қўйилди. Хусусан, моҳияти номаълум бўлган, сунъий ўн бир йиллик таълимга ўтилди. Бунда миллий ўзига хослик, қадимий тажриба, анъаналар инобатга олинмади. Мана шу ҳолатнинг ўзиёқ миллий дастур ишлаб чиқиш нақадар зарурлигини исботлайди.

Истиқлол шарофати билан Узбекистон дунёга юз очди. Бугун дунёдаги демократик, мутараққий давлатлар тажрибасини ўрганиш имкониятлари поят кенг. Бу борада ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Улар тўплаган тажрибанинг биз учун мақбул жиҳатларидан фойдаланиш ҳам миллий дастуримизда кўзда тутилмоғи даркор. Энг муҳими, шуни англаб етишимиз керакки, кадрлар масаласини ҳал этмас эканмиз, саъй-ҳаракатларимиз кутилган натижаларни бериши, ҳаётимиз, маънавиятимиз ўзгариши қийин кечади. Демакки, замонавий таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, замон талабларига мос кадрлар тайёрлаш ишини йўлга қўйиш фаолиятимизнинг бош йўналиши бўлмоғи даркор.

Чунки бизнинг халқимиз талант ва иқтидор жиҳатидан ҳеч кимдан кам эмас. Унга маърифатнинг равон йўллари очиб берилса, жаҳонда ўзига яраша обрўли ўринни эгаллай олади, деди Ислом Каримов.

Шу ўринда амалдаги таълим-тарбия тизимининг камчиликлари нималардан иборатлигини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Бу камчиликлар, аввало, мактабларимиз, ўқув даргоҳларимизнинг моддий базаси талаб даражасида эмаслиги билан боғлиқ. Иккинчидан, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг билим савияси замон талабаларига жавоб бермайди. Ўзингиз ўйланг, ўқитувчининг ўзи эски замон дастурлари асосида ўқиган бўлса, ислоҳотлар моҳиятини ўзи теран англаб етмаса, у қандай қилиб болаларга бу соҳада замонавий билим берсин? Қолаверса, бизда ўқув жараёнининг боскичлари илмий асосланганми, ўқувчи биринчи синфда нималарни, бешинчи синфда нималарни билиши керак? Уларга маънавият асосларини қеча ёшдан ўргатган маъқул? Билим ва тажрибанинг болалар онгида уйғунлашиб боришига қандай эришилади? Бу масалаларни ким, қайси илмий муассаса ўрганмоқда?

Мен боя таълим-тарбия тизимида пала-партишликлар мавжуд, деганимда ана шу саволларни ҳам назарда тутган эдим. Натижада биз ёшларимизни мустақил фикрлашга керакли даражада ўргата олмадик. Мактабларни битириб чиққан айрим ёшларнинг мустақил фикри йўқ. Мустақил фикрга эга бўлмаган одам эса ҳар қандай одомонга эргашиб кетаверади. Масаланинг энг муҳим жиҳати айнан мана шундадир, деди юртбошимиз.

Ишлаб чиқилаётган дастур мактабгача тарбия муассасаларидан то олий ўқув юртларигача бўлган билим даргоҳларининг фаолиятини тубдан ислоҳ қилишни кўзда тутади. Мазкур дастур қандай амалга оширилади, янги таълим-тарбия тизимига қайси муддатларда ўтилади? Мана шу саволларга аниқлик киритиб олишимиз лозим.

Биз мамлакатимизда тўқиз йиллик мажбурий ва уч йиллик ихтисослашган таълимни жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб биламиз. Шундай экан, ана шу янги тизимга хос моддий техника базасини яратиш зарурати тўғилади. Янги тизимга ўтиш муддатини белгилашда ана шу жиҳатни инобатга олиш зарур. Токи пухта ўйламай қўйилган бирон қадам янги тизимни обрусизлантириб қўймасин. Биз астойдил ҳаракат қилсак, икки-уч йил мобайнида тайёргарлик ишларини тугаллай оламиз, деб ишонаман.

Бу ўринда уч йиллик таълимга жиддий эътибор бериш керак. Чунки у биз учун янгилик бўлиб, ҳозирги ўрта мактаб, билим юртларни ва техникумлардан кескин фарқ қилади. Бу ерда ёшлар бозор муносабатлари шароитида ишлай оладиган, рақобатга бардош берадиган касб ва ҳунар эгалари бўлиб етишади. Бошқача айтганда, ҳаётга тайёрланади. Бу эса унда ишлайдиган ўқитувчиларга катта талаб қўяди. Ҳозирги ўрта мактаб ўқитувчилари бу билим даргоҳларида тўғридан-тўғри ишлай олмайдилар. Уларни аттестациядан ўтказиш, камида турли олий ўқув юртлари қошидаги курсларда қайта ўқитиш зарур бўлади.

Янги тизимга ўтилар экан, комиссия харита тузиб, ҳар бир уч йиллик ўқув даргоҳининг қайси вилоят, қайси туман, қайси шаҳар ёки қишлоқда жойлашишини, қанча ўқувчи қабул қилишини, у қайси тўқиз йиллик мактаблар битирувчилари ҳисобидан тўлдирилишини белгилаб чиқишлари шарт. Унда неча хил ихтисослик бўйича ўқитилади, уни ким маблағ билан таъминлайди, ким жиҳозлайди, узоқдан қатнаб ўқийдиганлар учун ётоқхона ёки интернат қуриладими? Ана шу саволларга ҳам олдиндан жавоб тайёр бўлиши керак. Қолаверса, бу мактаблар учун иложи борича янги замонавий бинолар қуриш лозим.

Бу ишларни амалга оширишда мамлакатимиздаги демографик вазиятни, аҳолининг ўсиш суръатларини ҳам эътиборга олиш лозим бўлади. Биз қайси йили нечанчи синфга қанча ўқувчи боришини аниқ билишимиз даркор.

Ана шу кўрсаткичлар аниқлангач, Молия вазирлиги, ҳокимликлар ҳисобкитоб ишларини амалга оширади, дастурни маблағ билан таъминлаш манбаларини белгилайди.

Дастурда олий таълимни такомиллаштиришга алоҳида аҳамият бериш зарур дея таъкидлади давлатимиз раҳбари. Бу илм даргоҳларини битириб чиққан мутахассислар замонавий стандартларга жавоб беришги бугунги кун талабидир.

Илгари ёшлар, айниқса, уларнинг ота-оналари онгида шундай тушунча ҳукмрон эди: кимки олий ўқув юртини битирса, иши бутун бўлади, ҳаётда ўз ўрнини топади. Бир кун келиб раҳбарлик лавозимини эгаллайди. Бу моддий манфаатдорлик қайфиятидан келиб чиқадиган қараш эди. Бошқача айтганда, институт ёки университетда обрў учун, келажакда қандайдир кафолатга эга бўлиш учун ўқиларди. Афсуски, ҳозир ҳам, ана шу ҳолатни қўмсайдиганлар йўқ эмас. Баъзида олий ўқув юртини аъло баҳоларга тугатганларга шундай кафолат бериб, уларни давлат тақсимоти бўйича ишга юборишни тавсия этишади. Аслида бозор муносабатлари шароитида аълочи талабанинг харидорлари кўп бўлиши керак-ку?

Олий таълимдаги асосий камчилик мана шунда эмаси? Ҳолбуки, олий ўқув юртида фақат обрў учун эмас, балки билим олиш учун ўқиш керак. Биз билимнинг, мутахассислик шаҳодатномасининг нуфузини кўтаришимиз, ҳаммага бир хил эмас, балки билимига қараб турли даражали дипломлар беришни жорий этишимиз зарурдир.

Ҳозир мамлакатимиз олий ўқув юртларида 85 мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Шулардан қайси бирлари биз учун зарур, қай бирларига эҳтиёж кам, яна қандай мутахассисликлар бўйича ўқишни йўлга қўйиш лозим? Бу саволларга аниқ жавоб бўлиши керак, Республика Фанлар академияси ва ишлаб чиқариш ташкилотлари мутахассисларга бўлган эҳтиёжни ҳисоблаб чиқиб, аниқ тавсиялар беришлари лозим. Шунга қараб керакли мутахассислар бўйича давлат буюртмаси шаклланади. Олий ўқув юртларига қабул қилинувчилар сони белгиланиб, давлат стипендияси ажратилади. Бундан ташқари, ўз ҳисобидан ўқишга кирувчиларга ҳам кенг йўл очиб берилади. Хуллас, илм олиш борасида ҳеч қандай тўсиқ бўлмаслиги керак. Зеро, фан — тараққиёт демакдир. Фанни юксак ривожлантирмай, Ватаннинг келажаги ҳақида гапириш қийин. Билимга чанқоқ, истеъдодли ёшларни топиб, уларни Ватанга фидоий инсонлар қилиб тарбиялаш муқаддас вазифадир.

Бунинг учун эса эски дастурлар асосида ўқиган профессор ва ўқитувчиларни қайта тайёрлаш, олий ўқув юртларининг ёш муаллимларини ривожланган мамлакатларга ўқишга юборишни, у ерда малака ошириб келишини йўлга қўйиш зарур. Бунинг учун, лозим бўлса, «Умид» жамғармасига ўхшаш махсус фонд ташкил этиш керак. Қолаверса, юқорги босқич талабаларининг ҳам ўқувнинг кейинги биринчи йилини дунёдаги илғор ўқув юртларида ўтказишларига имконият яратиш лозим. Хорижий ўқув даргоҳлари билан илмий кенгашлар тузиш, яъни билим олиш соҳасида интеграцияни йўлга қўйиш ҳам замон талабидир, дея таъкидлади Президент.

Олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг ўз устида ишлаши учун шароит яратиб бериш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айрим мутахассисликлар бўйича профессор-ўқитувчилар етишмаса, уларни чет элдан таклиф қилиш мумкин.

Одатда бирон корхона тўла қувват билан ишламаса, инқирозга юз тутади. Нега бизда айрим институт ва университетлар шундай ҳолатда фаолият кўрсатмоқда? Бу ерда олий ўқув юртларидаги кутубхоналарни зарур адабиётлар билан тўлдириш ҳақида гап бўлди. Аввало, эски қолипдаги дарсликлар билан замонавий кадрларни тайёрлаб бўлмайди. Аввало, биз ўз дарсликларимизни яратишимиз зарур. Агар хориждан адабиётлар келтиришга эҳтиёж бўлса, улардан фойдаланиш имконияти бўлса, марҳамат, керакли маблағни ажратамиз. Лекин, сал изн берилса, кутубхоналарни совет замонида битилган дарслик ва қўлланмалар билан тўлдириб ташлашга тайёр турганлар ҳам топилади. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Рус тилидаги адабиётлар асосида она тилини билмайдиган нўноқ мутахассислар тайёрлаганимиз етар. Бу ҳолда давлат тилига қачон ўтамиз? Ўз давлат тилини билиш, уни ўрганиш юксак маънавият. Ватани ва халқига садоқат белгиси эмасми?

Танлаган тараққиёт йўлимиздан изчил боришимиз, ўтказаётган ислоҳотларимиз самарадорлигига эришишимиз, халқимизнинг қиёфаси, дунёқараши ўзгариши учун замонавий кадрлар тайёрлаш бўйича тузилаётган дастур бизга ҳаракатимиз асоси бўлиб хизмат қилиши лозим, деди Ислом Каримов пировардида. Бунинг учун эса мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини ислоҳ этишни қатъий йўлга қўйишимиз, мазкур дастурни кенг омма муҳокамасига ҳавола этиб, ватандошларимиз назаридан ўтказиб олишимиз зарур. Токи у барчамизнинг келажакни ўйлаб амалга оширадиган виждон ишимизга айланиб қолсин.

Мажлисда дастурни такомиллаштириш, унда кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш юзасидан мутасадди вазирлик, идора, ташкилот ва уюшмалар раҳбарларига топшириқлар берилди. Республика меҳнат вазири О. Обидов, халқ таълими вазири Ж. Нўлдошев, олий ва ўрта махсус таълим вазири О. Салимов, халқ таълими вазирининг ўринбосари Х. Маъсудов, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети ректори Т. Долимов, биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ректори Т. Даминов, республика тест маркази директори М. Муҳиддинов ва бошқалар муҳокама этилган масала юзасидан фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Мажлисда Олий Мажлис Раиси Э. Ҳалилов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Т. Ориповв, Олий Мажлис Раиси ўринбосари А. Қосимов, Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев иштирок этди.

(ЎзА).

СДЕЛАН ПЕРВЫЙ ШАГ

В воинской части, где служит майор Мирза Отабаев, как и во всех Вооруженных Силах Республики Узбекистан, начался летний учебный период. Задачи, поставленные перед военнослужащими, непростые. Успешно решить их можно будет только напряженным трудом, совершенствуя боевую выучку и ратное мастерство.

Об этом говорилось в выступлениях командиров, солдат и ветеранов войны, пришедших к воинам в их первый день летней учебы.

На плацу замер боевой строй. Прозвучали доклады. Затем выступил заместитель командира части по работе с личным составом. Он сказал, что летняя боевая учеба открывает широкие возможности для приобретения навыков, она станет определяющей при подготовке солдат, вновь ставших в армейский строй. Каждый солдат и сержант должен быть надежным другом, помощником и наставником для пришедших в часть новобранцев. Только общими усилиями, дружными и сплоченными, можно решить все задачи, поставленные на период летней боевой учебы.

Перед воинами выступил ветеран войны гвардии полковник в отставке Хаким Хайдарович Усманходжаев. Он поздравил их с началом учебного периода.

Слова офицера-фронтовика, прошедшего от Москвы до Берлина, награжденного боевыми орденами и медалями, были авторитетны. Об этом сказал в своем выступлении рядовой А. Гараев. Поддержав сослуживца, от имени личного состава выступил рядовой И. Явкочев, заверивший командование, что воины приложат все силы и старание для успешного начала летней боевой учебы и дальнейшего совершенствования ратного мастерства.

С началом летнего периода боевой учебы личный состав поздравил офицер Управления по работе с личным составом Министерства обороны капитан Б. Эргашев. Затем выступил командир части офицер Н. Усейнов. Он отметил, что в новом периоде учебы предстоит решить нелегкие задачи. У них отличные командиры. Качественно проведена работа по подготовке учебно-материальной базы, тщательно разработаны планы боевой подготовки. В них предусмотрено и становление солдат-новобранцев.

— В нашей части бывают ваши родители, представители общественности, — сказал командир. — Каждый раз они дают вам наказ служить с честью и достоинством, крепить обороноспособность нашего Узбекистана. Летняя боевая учеба и станет периодом достижения новых высот в боевом совершенствовании.

Майор запаса
А. ВАЛУЙСКИЙ.

Мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафига янги чақирилган ёш аскарлар табиийки, ҳарбий тартиб-қоидаларни ҳали унчалик яхши билишмайди. Шу боисдан уларга ҳарбий сафда юриш ва тартиб-интизомни ўргатиш — тажрибали аскарларнинг бурчи ҳисобланади.

Суратда: **Миллий гвардия кичик сержанти Толиб Ражабов, оддий аскарлар Абдулазиз Норалиев ва Ҳожиакбар Шерматовларга ҳарбий интизом сир-асрорларини ўргаталпти.**

Норали ОЧИЛОВ суратга олган.

СЛУЖАТ ВМЕСТЕ БРАТЬЯ

Эти солдаты — не однофамильцы, а братья-близнецы. Совсем недавно начали службу в воинской части, где заместителем командира по работе с личным составом офицер Истам Султанов. До призыва в армию успели поработать. Тохир — музыкантом, Зохир — водителем.

Солдаты уже выполняли начальное упражнение стрельб из личного оружия. Результаты — неплохие. Благодарностей от командира пока нет, но и замечаний по службе не имеют. Стараются как можно быстрее стать настоящими солдатами.

Мы ведем с братьями-близнецами Тохиром и Зохиром Султановыми беседу. Оказывается, в этой же воинской части несут службу еще один братья. Все хорошо знают отличного воина сержанта Камола Азимова из Самарканда. Совсем недавно с новым пополнением в часть прибыл его двоюродный брат — Шухрат Исмаилов. Он привез родственнику привет от его родителей Хасана-ака и Майрамы-апа Азимовых. Сказал, что они пожелали Камолу достойно продолжать воинскую службу и помочь в солдатском становлении Шухрату.

Помощь такая оказывается. Об этом потом говорил сам новичок. А сержант Камол Азимов сказал: служу теперь вместе с братом. Рад, что могу помочь ему. К тому же он и сам старается. Военную присягу принимал, уже будучи отмеченным командиром в лучшую сторону.

А. АЛЕКСЕЕВ.

ЮЗЛАРИ ЕРУҒ БУЛГАЙ

Капитан И. Мирёқубов бошқараётган ҳарбий жамоада ҳам ёзги мавсумнинг ўқув машғулотлари қизғин тус олган.

Жумладан, ҳар бир взвод шахсий таркиби миқёсида жанговар шайлик бўйича олиб борилаётган машқлар савияси командирларни хушнуд этаётир. Чунончи взводдаги посбонлар махсус топшириқларни имкон қадар қисқа фурсатларда, хатоликларга йўл қўймаган ҳолда айнан рисолдагидек бажармоқда. Жисмоний тайёргарлик борасида ўтказилган дастлабки машғулотлар натижаси ҳам чакки эмас. Қувонарли томони шундаки, яқиндагина хизматни бошлаган ёш аскарлар, жамоадаги етакчи жангчилардан ибрат олиб, юксак марралар сари дадил одимлашмоқда.

Катта лейтенант
Ҳ. ПАРДАБЕКОВ.

Орзуларга пайваста қалблар

Ёшлигиданоқ ҳарбий бўлишга иштилганлар бисёр. Маъмон стук, жисмонан баркамол кишигина ўз мақсадига ҳеч қоқилмасдан етиши мумкин.

Офицерлик ёшлардан тиришқоқликни, жисмонан бақувват бўлишни, эпчиллик ва соғлиқлиқни, сабр-тоқат ва чидамлиликни талаб этади. Бу мезонлар эса ҳамиша Ватан ишқи, она-юртга садоқат, ўз халқига меҳр-оқибат қалбларда муқим бўлишига олиб келади.

Биз бободларни ҳарбий касбга йўналтирувчи Республика Ҳарбий лицейида бўлдик. Суҳбатимиз охирги қўнғироқ байрами билан бир кунга тўғри келганлиги боис, ўқитувчиларнинг, битирувчиларнинг, ота-оналарнинг фикрлари билан ҳам қизиқдик: Жумладан, лицей ўқитувчиси Маъмура опа Иноятовани суҳбатга чорладик.

— Буларнинг ҳар бирига меҳримни бергайман, ўз ўғилларимдек бўлиб қолишган. Саф тортиб турган ўғилларимга ниятларимни билдириб, оқ йўл тиларканман, ҳаяжондан кўзларим ёшга тўлди. Берган тарбиларимизни, билимларимизни фарзандларимиз Ватан олдидаги бурчларини силқидилдан ado этишлари билан оқлашларига имоним комил.

Суҳбатимизга лицейни имтиёзли тугатган Хуршид Абдуқаюмов қўшилди:

— Бу даврда мен мустақил фикрлашга, тезда бир қарорга келишга одатландим. Бундан ташқари ҳарбий интизом, ҳарб илми, ҳарбий ҳуқуқ, офицерларнинг ахлоқ ва одоби каби ўнлаб фанларни мукаммал ўзлаштирдик. Ниятим келгусида чегара қўшинларида хизмат қилиш.

Ҳарбий лицей битирувчиси Мамаюсуф Донийёров:

— Ўтган икки йил давомида биз анча ютуқларга эришдик. Устозларимиздан подполковниклар И. Коник, Г. Лобов, майор Г. Эргашев, капитан Ю. Хачатуров, катта лейтенант Ш. Қорабоевлардан миннатдорман. Зарурий билимларни аъло даражада ўзлаштиришимизда уларнинг катта меҳнатлари сингган.

Бу ерда спортнинг барча турлари билан мунтазам шуғулланиб туришимиз учун имкониятлар мавжуд. Хоразмда ўтказилган «Амир Темур авлодлари» мусобақаларида ҳам лицейимизнинг эпчил йигитлари турникка тортилиш, граната улоқтириш, югуриш каби мусобақаларда голиблар сафидан ўрин олдилар.

«Сўнгги қўнғироқ» байрамига ташриф буюрган отаоналардан Зумрад Ҳакимова қуйидаги фикрларини билдирди:

— 1992 йилда катта ўғлим Бахтиёржон Ҳакимов бу даргоҳни имтиёзли тугатган эди. Мана 5 йилдан сўнг, оиламизнинг яна бир аъзоси ҳарбий лицейни битирди. Аксидек ҳарбий бўлишни орзу қилган Баҳодиржон ўғлим ҳам ниятига етди. Барча лицей ўқитувчиларига ташаккур билдираман. Иккала ўғлимнинг орзуси ҳам ҳарбий соҳаларда ишлаш экан, бор имкониятларимизни яратиб берамиз. Зеро Ватан, она-юрт учун хизмат қилиш, уни кўз қорачиғидек асраб, муҳофаза қилиш ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчидир.

«Ватанни севмоқ иймондандир», — дейилади ҳадисда. Иймонли кишининг эса виждони пок, маънавияти юксак, дили билан тили бир бўлиши керак.

Қаҳрамон ЖАМОЛОВ,
ТошДУ толиби.

● В ВОЕННЫХ УЧИЛИЩАХ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ГОРЯЧАЯ ПОРА — ГОСУДАРСТВЕННЫЕ ЭКЗАМЕНЫ

Совсем немного времени осталось до того дня, когда лейтенанты очередного, 135-го выпуска офицеров покинут стены Ташкентского ВОКУ. А сегодня у выпускников училища самый ответственный, последний рубеж на пути к офицерским погонам — 2 июля с традиционного строевого смотра начались государственные экзамены.

ДЕМОНСТРИРУЮТ ТВЕРДЫЕ ЗНАНИЯ

О курсанте А. Краснове командир части пишет: «Качество проводимых занятий — отличное», о младшем сержанте Л. Даминове: «Зарекомендовал себя с самой лучшей стороны». Но самый восторженный отзыв — о будущем заместителе командира по работе с личным составом Дильшоте Тулаганове: «Образован, дисциплинирован, умеет подать хороший пример личному составу. Увлеченно работал по организации досуга личного состава в праздничные и выходные дни».

Среди выпускников Ташкентского ВОКУ восемнадцать претендуют на диплом с отличием, один — Рашид Каримов из артиллерийского взвода — на золотую медаль. Для них государственные экзамены отмечены особой психологической нагрузкой. В государственной комиссии работают опытные офицеры, объективно оценивающие действительный уровень подготовки выпускников. Сдача тактической подготовки проходит в поле, огневой — на стрельбище, эксплуатации боевой техники — на боевых машинах. Здесь, наедине с тактической обстановкой, боевой машиной или мелькающей вдали всего несколько секунд мишенью можно рассчитывать только на то знания и навыки, что получены в стенах училища.

На государственных экзаменах — как в реальном бою, перестрелок, повторов не бывает. Так что претенденты на диплом с отличием Равшан Юнусходжаев, Муслим Исаков, Вафур Азизов, Иқбол Абдурахманов, Музаффар Салиев и другие не имеют права ошибаться. Они должны показать только отличные результаты.

— Мы выдержим, — говорит будущий заместитель командира по работе с личным составом курсант Музаффар Салиев. — Залогом тому — высокая требовательность офицеров и боевой настрой выпускников. Труд таких преподавателей, как подполковник А. Юсупов, полковник А. Филиппенко, майор Р. Багиров, не пропал даром. Ход государственных экзаменов показывает, что у выпускников ТВОКУ — твердые знания.

По словам командира курсантского батальона майора О. Воловича, главную задачу офицеры и преподаватели выполнили успешно: выпускники готовы принять на себе обязанности командиров мотострелковых, разведывательных артиллерийских подразделений, заместителей командиров по работе с личным составом — в зависимости от полученной специальности. Наряду с профессиональным мастерством они обрели в стенах училища высокую техническую культуру, навыки воспитательной работы. Хорошо подготовленные физически и морально к будущей офицерской профессии, вполне способны взять на себя груз ответственности за обучение и воспитание подчиненных. В отличие от прошлых лет все они присягали родному Узбекистану и полны желания служить по обеспечению его независимости и суверенитета.

ГОТОВИЛИСЬ ТЩАТЕЛЬНО

— С каким волнением ждали мы этих дней! — делится своими впечатлениями курсант Ф. Кононенко, будущий офицер-разведчик. — Сдача государственных экзаменов для нас — и труд, и праздник. Уверен, каждый выпускник нашего батальона хочет получить только хорошие и отличные оценки — курсанты Ташкентского ВОКУ всегда отличались настойчивостью в достижении поставленной цели.

Разведчики издавна славились боевой дружбой. Во время сдачи экзаменов со мной рядом — надежные друзья и товарищи, такие как заместитель командира взвода старший сержант А. Халмамедов, сержант У. Рустамов. На каждого можно положиться в трудную минуту, за четыре года мы стали настоящей боевой семьей.

— Почему я уверенно иду на государственные экзамены? — спрашивает мотострелок курсант Алишер Мамаджанов. — Потому что меня учили такие замечательные преподаватели, как полковник С. Чуркин с кафедры тактики, полковник Ш. Исламов с кафедры эксплуатации, полковник Б. Рахиммерзаев с кафедры боевых машин и автомобильной подготовки. Благодаря им каждый из нас готов продемонстрировать высокие знания и умелые навыки обращения с оружием и техникой.

Подполковник
В. КАЛОШИН.

ГРИГОРЯННИ МАШҲУР ҚИЛГАН РОТА

Куни кеча МҲСК спорт мажмуасига ташриф буюриб, у ердаги кундалик ҳаёт билан танишиб қайтдик. Маълумки ушбу мажмуада спорт билан шуғулланувчилар жисмоний тарбия олиб, тажриба ортириб борадилар. Зеро Ватан ҳимояси учун нафақат ақлан баркамол, балки жисмонан етук посбонлар керак.

Бизнинг ташрифимиз давомида, МҲСК спорт мажмуаси қошидаги спорт ротасининг ҳаёти ҳам бизни қизиқтирди. Спорт ротаси юқори спорт натижаларига эришишни ўз олдига мақсад қилиб олган. Қолаверса, юқори ҳарбий интизом ва тайёргарлик ҳам ушбу ротанинг шиорига айланган. Спорт ротада йигитлик бурчини ўтаётган аскарлар учун керакли шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун спорт анжомлари ва жиҳозлари шай қилиб қўйилган. Югуриш майдончаси, тош қўтариш, от спорти, тортиниш ва сакраш майдончаси, бундан ташқари машғулотлардан сўнг аскарлар ҳордиқ чиқаришлари учун дам олиш ва ювиниш хоналари мунтазир. Ҳар куни икки маҳал, яъни эрталаб ва кечқурун бир соатлик жисмоний тайёргарлик ўтказилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, спорт рота ҳарбийларининг спорти шарафини ҳимоя қилади. Шуни таъкидлаш жоизки, яқинда Эрон Ислом Республикасида юнон — рим кураши бўйича ўтказилган халқаро мусобақада ушбу ротанинг вакиллари яхши кўрсаткичларга эришдилар. Жумладан, оддий аскар Д. Орипов биринчи ўринни, прапорщик П. Пуляев иккинчи ўринни, ва оддий аскар Очилов тўртинчи ўринни эгалладилар.

Ўз ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, машҳур боксчимиз, довруғи жаҳонга таралган Артур Григорян ҳам қачонлардир шу ротада тарбия кўрган.

Шу ойнинг бошларида Бухоро шаҳрида Бухоронинг 2500 йиллигига бағишланган юнон-рим кураши бўйича мусобақа бўлиб ўтади. Унда ушбу ротанинг 8 нафар вакили иштирок этиши кўзда тутилган. Биз эса ушбу спортчиларга омад тилаб, яхши кўрсаткичларга эришишини тилаб қоламиз.

Д. ИБРОҲИМОВ,
К. ЖАМОЛОВ,
ТошДУ талабалари.

Военно-политические новости

СЛУЖБА СЛОВНО «ОТСИДКА»

Одним из самых серьезных наказаний для британского призывника или молодого офицера остается перспектива быть загнанным на самую дальнюю «точку» — Фолклендские острова, рассматриваемые официальным Лондоном в качестве своего стратегического форпоста в Южной Атлантике. «Неуставные отношения» между солдатами и процветающая «дедовщина», как сообщило министерство обороны Великобритании, остаются одной из самых серьезных проблем на британской военной базе, расположенной в 13 тысячах километров от Великобритании. Официальное название гарнизона «Мертвая звезда» полностью оправдало свою дурную славу недавней массовой дракой в батальоне десантников. Травмы и увечья получили более 150 солдат. Для расследования инцидента прибыла специальная комиссия. По ее решению под трибунал пошли более 40 зачинщиков массовой драки, а также группа офицеров. В ходе расследования выяснилось, что практически ни о какой боеготовности подразделений «Мертвой звезды» речи быть не может. Условия службы в британском гарнизоне на Фолклендских островах, по свидетельству военных, сопоставимы с длительным сроком заключения в тюрьме строгого режима.

БУНДЕСВЕРНИНГ ҲАМКОРЛИГИ

Бундесвернинг Шарқий ва Жанубий-шарқий Европанинг 14 та мамлакати қуролли кучлари билан ҳамкорлиги ва уларни қўллаб-қувватлаши янада шаклланмоқда.

Бу ҳақда Германия мудофаа вазирлигининг парламентдаги вакили Бери Вильц ўз маърузасида хабар берди. Унинг таъкидлашича, 1993 йилдан кейин ҳарбий соҳада Украина, Польша, Венгрия, Эстония, Словакия ва Македония билан яқин алоқалар ўрнатилган.

ИСТРЕБИТЕЛЬ XXI ВЕКА

Соглашение об участии в создании нового многоцелевого истребителя XXI века, который должен заменить нынешние F-16, подписали в Сустерберге (Нидерланды) США, Нидерланды и Норвегия. Создание нового истребителя, над которым ведут работу несколько авиастроительных гигантов и который получил предварительное название «единый ударный истребитель», вызвано необходимостью замены в начале XXI века находящихся на вооружении ВВС этих стран истребителей F-16. В частности, в Нидерландах сейчас имеется 138 боевых машин этого типа, которые составляют основу ВВС.

КУЧАЯЁТГАН РАҚОБАТ

АҚШ Россиянинг «С-300» русумли зенит ракеталарига қарши рақобатни юзага келтирмоқда ва араб мамлакатлари ўртасида мазкур ракетанинг тактик-техник тавсифи билан боғлиқ турлича қарашларни кўзгашга ҳаракат қилмоқда. «С-300» ракетасининг таниқли конструктори Вениамин Ефремов Саудия Арабистонининг «Ал-Ҳаёт» газетасига берган интервьюсида ана шундай кескин фикрларни айтди. Шунингдек, у Россиянинг ракеталари АҚШнинг «Патриот»ларига қараганда 65 фоизга арзонлиги ва сифатлилигини таъкидлади.

ОТМЕНА СРОЧНОЙ СЛУЖБЫ

В ближайшие годы в чешской армии будет отменен институт срочной службы. Министерство обороны Чехии уже приступило к разработке механизма его упразднения в связи с тем, что вооруженные силы будут комплектоваться исключительно на контрактной основе. Скорейшее создание полностью профессиональных вооруженных сил — одно из основных обещаний избирателям, с которыми партии страны начнут предстоящую избирательную кампанию в парламент.

ҲАММА ГАП СИФАТДА

Бирлашган Араб Амирликлари армиясининг шахсий таркиби учун француз модельерлари 5 хилдаги махсус кийим тикиб беришади.

Французз модельерларининг амирликдаги «Леклерк» танкларини бошқаришда кийладиган махсус комбинезонлари ҳам ўзининг сифати, иссиқлиқдан мумкин қадар ҳимоя қилиши билан машҳур бўлган эди.

Матбуот материаллари асосида тайёрланди.

● ЗАМЕТКИ ПУБЛИЦИСТА

МНОГОВЕКОВЫЕ УЗЫ ДРУЖБЫ

Думаю, не ошибусь, если скажу, что состоявшийся 2—3 июня официальный визит Президента Узбекистана И. А. Каримова в Казахстан прошел не просто успешно, он несет в себе созидательное начало, стимулирует взаимоотношения между соседними государствами, а значит, приближает народы двух стран к лучшим временам, создает условия для действительно доверительных отношений, расширения всестороннего делового и взаимовыгодного сотрудничества, сближения культур.

Взаимные встречи лидеров двух стран, а их было немало, естественно, были связаны с актуальными проблемами двустороннего и многостороннего сотрудничества. Они были призваны решать и решали важнейшие задачи, связанные с проблемами становления независимых государств, улучшения взаимоотношений, дальнейшей интеграции экономики двух стран. Первый официальный визит главы нашего государства был призван решить ряд важнейших вопросов, продиктованных самой жизнью, состоянием взаимоотношений между Узбекистаном и Казахстаном, а также обострившейся в последнее время военно-политической обстановкой в регионе. В связи с этим в ходе визита решались два комплекса проблем:

Во-первых, проблемы взаимоотношений между двумя странами, придание им нового импульса, подъема на более высокий уровень и, наконец, создание максимальных удобств для расширения взаимовыгодной торговли.

Во-вторых, проблемы национальной безопасности в регионе, пути разрешения военного конфликта в Афганистане.

Было бы неправильно думать, что отношения между нашими странами развиваются безоблачно, поступательно и нет никаких проблем. И хотя взаимных визитов и принятых документов в рамках единого экономического пространства у Казахстана, Кыргызстана и Узбекистана было предостаточно, проблем накопилось немало. Правда, нельзя отрицать — задел для взаимовыгодного сотрудничества был сделан немалый. Уже в 1994 году были созданы Межгосударственный совет и его работающий орган — Межгосударственный исполнительный комитет со штаб-квартирой в Алматы, Центральный азиатский банк. В структуре Межгосударственного совета функционируют:

— Совет Премьер-министров Республики Узбекистан, Кыргызской Республики и Республики Казахстан;

— Совет министров иностранных дел Республики Узбекистан, Кыргызской Республики и Республики Казахстан;

— Совет министров обороны Республики Узбекистан, Кыргызской Республики и Республики Казахстан.

Подписаны Договора о вечной дружбе и сотрудничестве между Узбекистаном и Казахстаном, между Узбекистаном и Кыргызстаном. Все это так, но уровень взаимоотношений на сегодняшний день не может удовлетворять стороны. Как сказал Президент И. А. Каримов, из-за бюрократических препонов и безответственности руководителей соответствующих организаций мы не получили ожидаемого результата. Дело дошло до того, что объем товарооборота в последнее время между двумя странами несколько снизился. Нужны были новые меры, новые стимулы, чтобы придать узбекистанско - казахстанским взаимоотношениям новый импульс, поднять их на соответствующую высоту. Этому и способствовал визит в Казахстан Президента И. А. Каримова.

Уже первые часы, проведенные на казахстанской земле, показали, что итоги визита будут обнадеживающими. В беседе один на один Президенты Узбекистана и Казахстана обсудили широкий круг проблем и перспективы экономического и политического сотрудничества двух стран. Затем состоялись переговоры правительственных делегаций. Обсуждались вопросы торгово-экономического сотрудничества, проблемы Арала, деятельность «Центрагазбанка» и другие.

В результате переговоров были подписаны важные документы. Прежде всего Декларация о дальнейшем углублении многостороннего сотрудничества и дружественных взаимоотношений между Узбекистаном и Казахстаном. Ее подписали Президенты И. А. Каримов и Н. А. Назарбаев. Межправительственное соглашение о свободе торговли, о взаимной защите инвестиций и промышленного имущества, о сотрудничестве в области электрической и почтовой связи, железнодорожных сообщений, охране окружающей среды и рациональном использовании природных богатств, обмена правовой информацией.

Несомненно, принятые документы значительно поднимут уровень нашего сотрудничества, придадут взаимоотношениям наших народов новое дыхание, новый импульс, в полной мере соответствующий вековым, историческим традициям дружбы, добрососедства и взаимопомощи.

Среди подписанных в ходе визита документов особое значение приобретает Протокол о создании Узбекско-казахской межправительственной комиссии по двустороннему сотрудничеству. Это как раз тот орган, которого не хватало. Он, наряду с решением многих задач, выступает прежде всего как орган исполнения, разрешения неувязок, орган согласования, координации связей на всех уровнях. Он сможет воплотить в практику все возможности единого экономического пространства в интересах наших народов.

Вторая группа проблем, которые рассматривались на встрече лидеров двух стран,— национальная безопасность в регионе.

Как известно, свое отношение к событиям в Афганистане, а это сегодня горячая точка в регионе и угроза национальной безопасности соседним с ним государствам, руководство страны четко и ясно изложило на саммите в Ашгабаде. Эту позицию всецело поддерживает Казахстан. Говоря об обстановке в регионе, Президент Казахстана Нурсултан Назарбаев подчеркнул, **что безопасность в Центральной Азии во многом определяется непосредственно позицией Узбекистана.**

И это действительно так. Позиция Президента И. А. Каримова известна всему миру, как и его неустанная деятельность в борьбе за мир и стабильность в регионе. С самых высоких трибун Ислам Каримов неоднократно заявлял, что путь к миру в Афганистане надо искать не на поле боя, а за столом переговоров. На пресс-конференции в Алматы он еще раз подтвердил свою точку зрения по вопросу разрешения конфликта в этой стране.

— Мы считаем талибов одной из противоборствующих сторон, — сказал, в частности, Президент И. А. Каримов.— Нас не удовлетворяет только то, что «Талибан» стремится решить проблемы силой оружия. Нынешняя обстановка в Афганистане ставит под угрозу стабильность во всем регионе Центральной Азии. Не вмешиваясь во внутренние дела этого государства, мы тем не менее остаемся при своем неоднократно высказывавшемся мнении, что все возникшие там конфликты необходимо решать путем переговоров.

Позиция четкая. Ясная. Она в полной мере соответствует интересам всех народов нашего региона.

Указом Президента Казахстана за большой личный вклад в укрепление дружбы, братства и взаимного доверия между народами двух стран, выдающиеся заслуги в укреплении мира и стабильности в Центральноазиатском регионе Президент нашей страны Ислам Каримов награжден орденом «Алтын кыран» (Золотой орел).

Воины-узбекистанцы горячо приветствуют итоги визита Президента И. А. Каримова в Казахстан. Они уверены, что для безопасности страны и нашего народа приняты все меры. Наш долг — отдавать силы, знания и опыт Родине, вносить достойный вклад в дело укрепления независимости нашей страны.

А. ХЛЫЗОВ.

● ҲАРБИЙ БИЛИМ ЮРТЛАРИДА

Хизматларидан барча мамнун

Аскари бақувват ва соғлом бўлган юртда тинчлик-осойишталик ҳам аъло даражада бўлади. Шу маънода аскарларнинг бақувватлиги бевосита уларнинг қандай овқатланишига боғлиқдир.

Биз Тошкент умумқўшин командирлари олий билим юртида бўлганимизда бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Бу ерда тиббий меъёрларга асосланган ҳафталик таомнома бўйича кундалик овқатлар тайёрланади. Ошхонадаги тозалик қишининг ҳавасини келтиради.

Ошхона бошлиғи лейтенант У. Каримқулов, озиқ-овқат хизмати бошлиғининг ёрдамчиси прапорщик А. Абдуллаев ва озиқ-овқат омбори бошлиғи қатта прапорщик С. Нагабетовлар билан суҳбатлашганимизда, улар сабзавот, гўшт, сут, тухум ва бошқа зарур маҳсулотларни ўз вақтида сифатли ҳолда олиб турганликларини таъкидлаб ўтишди.

Бўлажак офицерларга асосан миллий таомлар тайёрлаб берилмоқда. Палов, мошкичири, шавла шулар жумласидандир. Шу билан бирга тухум қуймоқ, пишлоқ, сут ва балиқ маҳсулотлари ҳам столдан узилмайди. Ҳар бир таом истеъмол этилишидан аввал тиббий кўрикдан ўтказилади.

Ошпазлар Қ. Гайназаров, Д. Муҳаммадазизов, А. Кашгоров, В. Михайловларнинг хизматларидан курсант ва аскарлар ҳурсанд.

Шу кунларда билим юрти ошхонаси ишчи ва хизматчилари курсантларнинг яқинда ўтказиладиган битирув кечасини намунали даражада ташкиллаштириш юзасидан меҳнат қилишмоқда.

Норали ОЧИЛОВ,
Асрор БОЙБАЧАЕВ,
ТошДУ талабалари.

● ҲАРБИЙ КАФЕДРАЛАРДА

Ўқув йиғини

Тошкент Давлат университети ҳарбий кафедрасида ҳам талабаларнинг ҳарбий ўқув йиғини қизғин давом этмоқда. Ўқув йиғини талабалар учун синов даври ҳамдир. Чунки бу даврда ҳар бир талабадан ҳарбий интизомга қатъий бўйсуниш, машғулотларда фаол қатнашиш, берилган топшириқларни маҳорат билан бажаришни ва айни пайтда доимо сергак бўлишни талаб этади. Негаки, талабалар амалиётда ўқув йили давомида олган ҳарбий билимларни қанчалик ўзлаштиргаилиқларини намоён этадилар.

Буни чуқур ҳис қилган талабалар мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишмоқда. Ўқув йиғини бошлиғи полковник М. Дутураев бу ерда ўтказилаётган машғулотларни доимо назорат қилиб, ҳар бир талабанинг ҳаракатини синчковлик билан кузатади. Агар талаба хатога йўл қўйса — унга ўргатади, аъло бажарса — рағбатлантиради.

Шу боис топшириқларни аъло бажараётган талабалар сони кўпайиб бормоқда. Р. Убайдуллаев, Ж. Қодиров, Ж. Назаров, рота старшинаси К. Сагдиев, Н. Боқаев ва бошқа кўплаб талабалар ўзларининг намунали хизматлари билан ўрнак бўлмоқдалар. Рота командири — майор Х. Кундузов, капитан А. Эшматов, катта лейтенант Ж. Умаров каби жонкуяр, фидойи офицерлар бор тажриба ва билимларини талабаларга бериб боришмоқда.

Дастурда белгиланган машғулотлар бўйича талабалар ўт очиш қуролларидан нишонга отиш машқлари, жанговар техникани бошқаришни, умумҳарбий Низомлар қоидаларини ўрганадилар, саф машқларини бажарадилар. Буидан ташқари, талабалар орасида ватанпарварлик, она-Ватанга садоқат, эътиқод мавзуларида суҳбатлар бўлиб туради. Мақсад—юртнинг ҳар бир фуқароси кўнглида тарбияланиши лозим бўлган маърифий туйғуларни улар қалбига чуқурроқ сингдириш.

Машғулотлардан бўш вақтларда талабалар спорт ўйинлари ўтказадилар. Ўйинлар якка-якка бўлиб ёки жамоа-жамоа бўлиб ташкил қилинади. Улар шахмат-шашка, футбол, теннис ва бошқа ўйинлар билан машғул бўлишади.

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ,
ТошДУ талабаси.

Фан ва техника янгиликлари

ШАРТНОМА АСОСИДА

АҚШнинг «Боинг» ва Ҳиндистоннинг «Ҳиндустан Аэронавтикс Лимитед» компаниялари ўртасида 22 миллион АҚШ доллари қийматидаги ҳамкорлик битими имзоланди. «Ҳиндустан Аэронавтикс Лимитед» (ҲАЛ) компаниясининг раиси Р. Шарманинг айтишича, мазкур шартнома асосида ҲАЛ «Боинг-737», 747, 777ларнинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаради.

РОБОТ-ЗАПРАВЩИК

Оригинальная новинка встречает автолюбителей на одной из заправочных станций компании «Шелл» в Сакраменто (Калифорния). К немалому удивлению водителя, подрулившего к заправке, у окна автомобиля появляется не человек, а нечто под названием «Смарт памп», что на русском языке означает «умный насос», задает вопрос о марке бензина, которым вы желаете заправить автомобиль. Затем работ, а именно он обслуживает машину, направляет свой манипулятор к бензобаку, отворачивает крышку и вставляет шланг. «Смарт памп» осуществляет все необходимые манипуляции с вашей кредитной карточкой и выдает чек.

ТРЕТИЙ ШЛЕЙФ

Сенсационное открытие сделали европейские астрономы, обнаружив у кометы «Хейл-Боппа» необычный третий шлейф, состоящий из натрия. Как сообщил Рихард Вест, сотрудник европейской обсерватории, протяженность этого шлейфа достигает 50 миллионов километров.

Однако ученый-астроном не смог объяснить причины отделения «нейтральных атомов натрия от тела кометы». Открытие было сделано благодаря новейшим приборам, установленным в обсерватории на одном из Канарских островов. До настоящего времени считалось, что у всех комет лишь два шлейфа—ионный и состоящий из космической пыли. Шлейф из натрия до сих пор никому открыть не удалось.

«ПЕЖО» ФИРМАСИНИНГ ИХТИРОСИ

Маълумки, атроф-муҳитни ифлослантиришда транспорт воситаларининг ҳам «улуши» катта. Франциянинг «Пежо» фирмаси ана шу жараённинг олдини олиш мақсадида 2 гилдиракли транспорт воситаси — электроскутер (мотоциклга ўхшаш)ларни ишлаб чиқариш гояси билан чиқди. Фирма мазкур техникани ишлаб чиқариш лойиҳаси учун 70 миллион франк маблағ ажратди. Шовқинсиз, бошқаришга ўнгай бу электроскутернинг баҳоси 12 минг франкка тенг бўлади. Скутерни электрон батареясини 40 км гача зарядламасдан бошқариш мумкин. Электроскутер батареясига 7950 франк пул тўланади.

ҲИД БИЛУВЧИ РОБОТ

Тафта университети (АҚШ) олимлари ҳид билувчи ва уларни бир-биридан фарқловчи робот ясашга муваффақ бўлишди.

— Биз ихтиромизни 40 та турлича нарсаларда синаб кўрдик. Уларнинг ҳидини билишда робот 97 фоиз тўғри жавоб берди, — дейди университет профессори Дэвид Уолт.

Робот 3—5 йилдан кейин мукаммал ҳолга келиб, фаолиятини бошлайди. Роботнинг ҳид билиш қобилияти медицинанинг диагностика соҳаси, экология соҳасида ва полиция фаолиятида қўл келиши мумкин.

ПЕРВЫЙ ИСПАНСКИЙ СПУТНИК

Запущен первый испанский спутник «Минисат-001» с целью проведения научных исследований в области космоса. Его вывод на орбиту осуществлен ракетой-носителем «Пегас» американского производства.

Запуск «Минисата» преследует не только научные цели, но и коммерческие: на борту «Пегаса» находятся 35 капсул с прахом различных лиц (главным образом американцев), скончавшихся в разное время, которые таким образом завещали похоронить их.

ЭҲРОМДАН ТОПИЛГАН АШЁЛАР

Мексика пойтахтидан 50 км узоқликдаги Теотиуакан ҳиндулар эҳромидан топилган археологик ашёларни мутахассислар асрнинг йирик тадқиқотларидан бири, дея баҳолашмоқда.

Қазишмалар чоғида ўзида диний композиция акс эттирилган, лойдан ясалган 50 та ҳайкалчалар топилди.

Матбуот материаллари асосида тайёрланди.

„Хизматга тайёргарликни оиладан бошлаш керак“

Наманган вилоятидаги мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи полковник Илвард ҚОСИМОВ ишлари бошқармаси бошлиғи билан суҳбат.

— Илвард Юлдашевич, мудофаа ишлари бошқармаси деганда барчанинг кўз ўнгида қудратли армиямизнинг бўсағаси намоён бўлади. Шунинг учун, даставвал бошқармангизнинг бугунги фаолияти ва шароитлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Тўғри айтдингиз. Фарзандини ҳарбий хизматга кузатаётган ота-оналар биринчи галда бизнинг идорамизга кўзи тушади ва шу асосда бугунги ҳарбийларимиз ҳаёти қай даражада эканлиги ҳақида хулоса ясашади. Шундай экан, биз бошқармамизнинг ташқи кўринишига, озодалигига биринчи галда катта аҳамият берамиз. Вилоят ҳокимлигининг кўмагида айни вақтда бошқармамиз атрофида катта ҳажмдаги таъмирлаш ва ободончилик ишлари бажарилди. Чақирув бўлимимиз ёнига икки қаватли бино тиклаганмиз. Унинг биринчи қавати кенг ва ёруғ зал бўлиб, бу ерда чақирилувчилар билан суҳбатлар ўтказилади. Иккинчи қаватида эса ота-оналар ва меҳмонлар учун «Шабода» кафеси фаолият кўрсатади. Бундан ташқари ҳовлимизда спорт майдончалари ва теннис корти барпо қилинган. Мақсадимиз — ота-оналар шу ердаёқ фарзандларининг хизмати кўнгилдагидек ўтишига ишонч ҳосил қилишсин.

— Сизларда ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш қандай йўлга қўйилган? Умуман хизматга чақирилувчи ёшларда ҳарбийликка муносабат қай даражада?

— Биласизми, менинг фикрим — фарзандларимизда Ватанга бўлган муҳаббати, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлашни даставвал оилада, мактаблар ва маҳалла кўмиталарида ўргатиш даркор. Бизга етиб келишганда йигитлар Ватан ҳимоясини чуқур ҳис қилиб туришлари керак. Бу билан мен бизга йигитлар тайёр бўлиб келишг ва бизнинг вазифамиз уларнинг ҳужжатларини расмийлаштириб жўнатиб юборишдан иборат, холос, демоқчи эмасман. Аммо, ҳар биримиз масъулликдан четда турмаслигимиз лозим. Бу борада, айниқса, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти кўп вазифаларни бажаради. Жумладан, шу пайтгача ушбу ташкилот кўмагида Янгиқўрғон ва Косонсой туманларида юқори синф ўқувчиларини тоғли ҳудудларга олиб чиқиб, ҳарбий машқлар бажартирилди. Келгусида бу тадбирни бошқа туманларда ҳам кенг тарғиб қилмоқчимиз.

— Вилоятда баҳорги чақириқ ҳам муваффақиятли якунланди. Айтингчи, шу жараёнда айрим муаммолар ҳам келмадиларингизми? Демоқчиманки, ҳарбий хизматдан озод этилишларини сўраб арз қилувчилар сони кўп учрамадими?

— Шуни фахр билан айтишни истардимки, кейинги йилларда Ватан ҳимояси тушунчаси барча юртдошларимизнинг онгига яхши сингиб қолди. Очиғини айтиш керак, собиқ иттифоқ иқтиросга юз тутган дастлабки пайтларда кўп жойларда бўлгани каби, бизда ҳам маълум маънода қийинчиликлар юзага келганди. Эндиликда Ўзбекистонимиз— суверен мустақил давлат. Унинг сарҳадларини ташқи душманлардан ҳимоя қилиш, юрт тинчлигини қўриқлаш ҳар бир йигит кишининг бурчи. Буни ҳозирги вақтда ота-оналар ҳам, қолаверса ҳарбий хизмат ёшига етган ўғлонларимиз ҳам яхши тушуниб етмоқдалар. Шу боис йигитларни Қуролли Кучларимиз сафларига жўнатишда ҳеч қандай муаммоларга дуч келмаяпмиз. Ахир, йигитларнинг ўзларида ҳарбий хизматга иштиёқ баландлиги шундоққина кўриниб турибдику! Уларни кузатиш ҳам бошқармамизда байрамона тарзда ташкиллаштирилди.

— Айни вақтда йигитлик бурчини ўтаётган аскарлар ҳолидан хабардор бўлиш, шунингдек, улар билан учрашувлар ташкиллаштириш қандай йўлга қўйилган?

— Фарзандларининг қандай хизмат қилаётганлигини хат-хабар орқали билиш бошқа-ю, бориб ўз кўзи билан кўриб келиш бошқа. Шуни инобатга олиб, бошқармамиз вилоят ҳамда туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда ота-оналарни аскар ўғлонлари билан дийдор кўришиб келишлари учун имконият яратиб берган. Ҳар йили икки мартадан вилоятимиз туманларидан ота-оналар барча ғарнизонларга бориб келишади. У ерда Ватаннинг жасур ўғлонларига Ўзбекона ош дамланади. Шунингдек, санъаткорлар иштирокида концерт дастурлари уюштирилади. Шу боис бундан ота-оналар доимо мамнун бўлишади.

— Йигитлик бурчини ўтаётган аскарларимизга қандай тилакларингиз бор?

— Ўғлонларимизни Қуролли Кучларимиз сафига кузатаётганимизда ҳам шу сўзларни кўп такрорлаганман: — Жисмоний баркамолликка интилинг, командирларингиз топшириғини бекаму кўст бажаришга ўрганинг, Умумҳарбий Низомда белгиланганидек хизмат қилинг. Спорт билан мунтазам шуғулланинг. Бу сизни ой бориб омон қайтишингизни таъминлайди.

Равшан МУСУЛМОНОВ суҳбатлашди.

ЗОЛОТАЯ МЕДАЛЬ АВТОСТРОИТЕЛЕЙ УЗБЕКИСТАНА

Большая золотая медаль и диплом оргкомитета седьмой международной выставки «АвтоСиб-97», прошедшей в конце мая в Новосибирске, присуждены акционерному обществу «УзДЭУавто». На эту выставку, которая по своему рейтингу идет вслед за московским и санкт-петербургским международными автосалонами, асакинские автостроители представили автомобили марок «Нексия», «Тико» и микроавтобус «Дамас».

— В Новосибирске свою продукцию демонстрировали более пятидесяти фирм и компаний из многих стран мира, — говорит менеджер по рекламе и связям с общественностью «УзДЭУавто» Расул Мамадов. — Среди них — американский «Форд», итальянская «Ивеко», российские ВАЗ и УАЗ, другие мэтры мирового автомобилестроения. Тем более приятна та высокая оценка, которую получили качество производимых в Асаке автомобилей, работа по освоению внешнего рынка.

Выставка «АвтоСиб-97» проходила четыре дня. За это время ее посетили свыше тысячи человек. По ее итогам состоялась пресс-конференция с участием представителей деловых кругов. Безусловными героями на ней были победители. Работники «УзДЭУавто» ответили на многочисленные вопросы о возможности оптовых поставок узбекских автомобилей, их адаптации к условиям российского бездорожья, создании сети сервисного обслуживания, обеспечении запасными частями.

(УзА).

● БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

ҲАЁТИМИЗГА ОҒУ СОЛМАНГ

Тинч ва осуда ҳаётимизни иллатлардан муҳофаза қилиш, уюшган жиноятчиликка, гиёҳвандлик моддаларининг истеъмол қилиниши ва унинг ғайриқонуний савдосига қарши кураш, ҳуқуқ ва назорат органлари олдида турган асосий вазифалир. Айниқса, инсон саломатлиги, маънавияти ва руҳиятига жиддий хавф солувчи оғу — гиёҳвандлик моддаларига қарши кураш бу борада жиддий чора-тадбирлар кўришни тақозо этади.

Тошкент шаҳар божхона хизматида ҳам бу борада бир қатор амалий ишлар қилинаётир. Хусусан, «Тошкент» аэропорти, «Шимолий» темир йўл шоҳбекати ва «Тошкент» автошоҳбекатида жойлашган божхона масканлари ходимлари республикамизга келиб-кетаётган фуқароларнинг юкларини мунтазам назоратдан ўтказишмоқда.

САФАР ХАЛТАСИ «АЙБДОР»

Жорий йилнинг 13 майида Тошкент шаҳар божхона хизматининг 16-пости ходимлари «Шимолий» темир йўл шоҳбекатида «Тошкент — Москва» поезди йўловчиларини назоратдан ўтказишаётганда И. Л. исмли Тожикистон фуқаросининг ёнидан 4200 грамм олий гиёҳвандлик моддасини топишди. Айни пайтда меҳмон сафар халтасига мазкур оғунинг қандай тушиб қолганлиги ҳақида оддан «бош қотирмоқда».

ИЧКИ ЧЎНТАК ҚАНТАРИЛГАНДА...

Афтидан М. Ш. исмли ҳамюртимиз ҳамма нарсани ҳам ички чўнтакка ташлавериш мумкин, деб ўйлайди. 17 май куни Тошкент аэропортида 11-пост ходимлари «Тошкент — Москва» йўналишидаги самолётни божхона назоратидан ўтказишаётганда мазкур шахснинг ички чўнтагидан 10 грамм героин моддаси топилди. Қизиқ, у ўз ҳимояси, виждонини ҳам нафси билан ички чўнтакка жойладимикан?

К. УМАРОВ,
Тошкент шаҳар божхона хизмати ходими.

● МАМЛАКАТЛАР, МИЛЛАТЛАР, ОДАТЛАР

Иордания

ЕТТИ ҚИРРАЛИ ЮЛДУЗ

Пойтахти — Оммон. Мамлакат расман «Ал-мамлакаҳ Ал-Ўрдиниях Ал-Ҳошимиях», лъни Иордания ҳошимийлар қироллиги деб номланади. Умумий майдони 91880 км². 1 км² га 42 киши тўғри келади. 1999 йилгача аҳоли сони 4712000 га етиши мўлжалланмоқда. Давлат тузуми — конституцион монархия. Мамлакат қироли бош вазирни танлайди. Қонун ишлаб чиқарувчи органи Миллий Ассамблея бўлиб, у сенат (40 нафар аъзо) ва депутатлар палатасига ажралган. Сенат ва депутатлар палатасига сайловлар ҳар 4 йилда амалга оширилади.

Миллий байроғи 1928 йилда тасдиқланган. Байроқда 7 қирралі юлдуз акс этиб, ҳар бир қирра ўзида муқаддас Қуръон битиклари ифода этади.

Мамлакатнинг миллий мадҳияси «Ал-салом Ал-малак» деб номланади. Пул бирлиги — динор. 1955 йил 14 декабрда БМТга аъзо бўлган.

Иордания асосан 8 та вилоятга ажралиб, ҳар бир вилоятни ҳокимлар бошқаради. Мамлакат Сурия, Ирок, Саудия Арабистони, Исроил билан чегарадош.

ТУРМУШ ТАРЗИ

Мамлакат аҳолисининг 55 фоизини маҳаллий халқ вакиллари ташкил этади. Бундан ташқари бошқа миллат вакиллари, хусусан фаластиниликлар ҳам кўпчилик. Шунинг эътиборга молик-ки, мамлакатда 95 фоиз аҳоли мусулмон.



Товуқ ва қўй гўштидан қилинадиган таомлар иордаилиларнинг севимли овқати ҳисобланади. «Масеф» номли миллий таом қўй гўштидан тайёрланади.

Иорданияда «дебек» деб аталувчи ажойиб халқ рақси борки, уни кўпчилик қадрлайди. Бу ерда яшовчи эркакларнинг аксари бошига «каффиеҳ» номли кийим кийиб, миллий чопонларда юрадилар.

МАОРИФ ТИЗИМИ

Маълумотларга қараганда, мамлакатда 70 фоиз ўсмирлар ўқиш ва ёзишни билишади. Коллеж, мактаб, лицей ва институтлар ёш авлодга таълим-тарбия беришда муҳим ўрин тутади. Иорданиядаги 4 та университетда айни пайтда 26 минг нафар талаба бор.

МАТБУОТ

Мамлакатда чиқадиган 4 та марказий кундалик газеталардан 3 таси араб, биттаси инглиз тилида чоп этилади.

АРМИЯСИ ҲАҚИДА

Иордания Қуролли Кучларининг шахсий таркиби 70 минг кишидан иборат. Ҳарбий ҳаво кучларида 10 минг нафар киши хизмат қилади.

Сўнгги пайтда мамлакатнинг Исроил давлати билан ҳарбий соҳадаги ҳамкорликлари барқарорлашмоқда.

ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК

Фосфат, кимёвий маҳсулотлар, мева, сабзавот ва айрим саноат маҳсулотлари асосий экспортдир.

Машинасозлик, нефть маҳсулотлари, дон, гўшт эса импорт сирасига киради. Саудия Арабистони, АҚШ, Италия, Япония, Буюк Британия, Германия ва Ҳиндистон мамлакатнинг асосий хорижий ҳамкорларидир.

ҚАДИМИЙ ПЕТРА

Бундан икки минг йил муқаддам ҳозирги Иордания ҳудудида Нобатейлар давлати бўлган. Кўҳна Петра шаҳри (суратда) ана шу давлатнинг пойтахти ҳисобланган. 2 минг йилдан ортиқ тарихга эга бу шаҳарда масжидлар, архитектура ёдгорликлари ва бошқа қадимий иншоотларга дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан сайёҳлар ташриф буюришади.

А. САФАРОВ тайёрлаган.

ВСТРЕЧА С КИТАЙСКИМИ ГОСТЯМИ

В Республиканском совете общества дружбы и культурно-просветительских связей с зарубежными странами состоялась встреча с членами делегации Китайского народного общества дружбы с заграницей, возглавляемой Ли Гэченом. В ней приняли участие активисты Общества дружбы «Узбекистан—Китай».

Председатель Совета Джамалетдин Буранов, приветствуя гостей, отметил, что культурные связи между двумя странами все более расширяются.

В ходе встречи состоялся обмен мнениями по вопросам, связанным с дальнейшим расширением культурно-просветительских и экономических связей между двумя народами.

По завершении встречи гости ознакомились с выставкой, посвященной 2500-летию Бухары и Хивы.

УНИКАЛЬНАЯ НАХОДКА АРХЕОЛОГОВ

Археологи Узбекистана обнаружили неподалеку от мавзолея Ал-Хакима Ат Термези в Старом Термезе четыре необычные пещеры. Каждая из них длиной 7—10, а шириной 2—3 метра. Вдоль их внутренних боковых поверхностей имеется множество ниш. Специалисты считают, что в свое время в них ставили статуэтки, изображающие Будду.

— Как писал китайский путешественник Хой Чао, в первой четверти восьмого века в Термезе было десять буддийских моделей, — рассказывает руководитель Сурхандарьинского отделения Института археологии Академии наук Узбекистана Тухташ Авнаев. — В этих подземных сооружениях, построенных в III—IV веках нашей эры, проводились буддийские религиозные обряды. Есть все основания полагать, что найденные пещеры были теми самыми модельнями, о которых писал китайский путешественник. (УзА).

Искандар РАҲМОН:
„ЎЗБЕКИСТОН АСКАРИМАН, ЮРТИМ ДУРУ ГАВҲАРИМАН!“

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан 1996 йил 9 октябрда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари умумҳарбий Низомлари» мутолаасидан илҳомланган истеъфодаги тиббий хизмат подполковниги Искандар Раҳмонов мупосабат тариқасидаги дил сўзларини ўз тили ва аскар йигит номидан шеърий битикларда ифодалаган.

ҲАРБИЙ ИШДА ИНТИЗОМ ЗАРУР ДЕР, УМУМ НИЗОМ!

1.
Ҳар бир соҳа, ҳар жойда
Бордир тартиб, қонда.
Дилдан уни бажарсанг,
Бўлар ишлар жойида.
2.
Ҳарбий ишда интизом
Зарур дер, умум Низом.
Зеро, сўз боши — салом,
Ишнинг боши — интизом!
3.
Қонда, Низомлар кўп,
Бири-биридан матлуб.
Улар ичра бир Низом,
Кўзга зиё, нур Низом!
4.
Бунда хизмат мақоми,
Тартиби, интизоми
Аниқ, лўнда ёзилган,
Маржон каби тизилган.
5.
«Бирлашган ўзар, — дерлар,—
Бирлашмаган тўзади».
Бунга амал қилмаган,
Одамдан эл безади.
6.
«Ёлғиз от донг таратмас,
Чиқаради чанг, тўзон».
Чаққан бу гап магзини
Орттирар дўст, қадрдон.
7.
«Эр бошига иш тушса,
Этикда сув кечади.
От бошига иш тушса,
Сувлиқда сув ичади».
8.
Зоғлар босса осмонни,
Ёвлар эса маконни,
Ҳимояга эр турар,
Мард, баҳодир шер турар.
9.
Ўт тушса гар ўрмонга
Ҳўл-қуруққа қарамас.
Юрт бошига ғам тушса,
Фақат номард ярамас!
10.
«Беш қўл эмас баробар».
Бири узун, калтадир.
Бирлашса гар мушт бўлар,
Бир-бирига далдадир.
11.
Зеро, кема ичида
Бир тақдири ҳамманинг!
Омон чиқса соҳилга
Бордир бахти кеманинг!

ҲАРБИЙ ИШДА ҚУМОНДОН, ҲАР ИШГА БОШ, БИЛ УҒЛОН!

1.
Ҳарбий қудрат гарови
Нимада? Ҳурликдадир!
Бир ёқадан чиққан бош,
Адолат, бирликдадир!
2.
Ҳарбий ишда бошу қош,
Энг аввало Қўмондон!
Унга этмоқ итоат,
Бурчинг эрур, эй ўғлон!
3.
Ватан посбониман, деб
Ант ичдингми, унутма!
Қайтма йигит сўзингдан,
Ёвлардан шафқат кутма!
4.
Билки, хизмат шунчаки,
Кўнгил очар жой эмас!
Бу жасорат мактаби,
Машаққатдан «Вой демас!»
5.
Кун тартиби бу ерда
Аниқ йўлу йўриқдир!
Вақт — маржонга тизилган
Қизил ипдир, чизиқдир!
6.
«Уйғонилсин!» сигнали
Тонг саҳарда янграйди!
Салқин сувда ювиниб,
Жону дилинг яйрайди!
7.
Она юрт Мадҳияси
Жаранглар, тантанавор!
Янги хизмат куни ҳам
Бошланар мардонавор!
8.
Ҳар кун тонгда қишу ёз
Бўлар бадан тарбия.
Жисмоний машқ, чиниқиш
Билан кучли Армия!
9.
«Соғ баданда соғ ақл».
Демиш доним кексалар.
Дўстларинг билан бўлиб,
Кўнглинг тоғдай юксалар!
10.
Тоғни талқон қилгувчи
Куч сезасан ўзингда.
Юртга меҳр, садоқат
Ёнар юзу кўзингда!
11.
Ҳарбий хизмат бурчингдир,
Олий ҳислат, бурчингдир!
Гард юқтирма номингга,
Унда ёшлик, кучингдир!

ЮРТ БАЙРОҒИ ҚУЛИМДА, МЕҲРИ, СЕҲРИ ДИЛИМДА!

1.
Олмос камар белимда,
Автоматим қўлимда!
Элга берган Қасамим,
Эртаю кеч дилимда!
2.
Сафдадирман ёнма-ён,
Кун-тун, елкама-елка.
Ватан учун тайёрман,
Ҳатто ўлимга тикка!
3.
Амир Темур аждодим,
Жасур, ботир авлодим!
Томиримда жўшар қон,
Дилда — Ватан — Онажон!
4.
Ватан — иймон, жонимдир,
Томирдаги қонимдир!
Унинг учун ҳамиша
Фидо тану жонимдир!
5.
Юрт Байроғи қўлимда,
Меҳри, сеҳри дилимда!
Ёвни яксон қиламан,
Ғов бўлса у йўлимда!

ҲАРБИЙ ҚУШИН АСОСИ, ПОЙДЕВОРИ — БУЛИНМА!

1.
Ҳарбий қўшин асоси,
Пойдевори — бўлинма.
Бу деганн, бир мушт бўл,
Яккаланма, бўлинма!
2.
Бўлинманинг устуни,
Унинг ҳар бир аскари!
Бири юрак, бош бўлса,
Бири кўзи, гавҳари!
3.
Қайда бўлмай бўлинмам
Ҳушёр, ўткир кўзиман.
Ота-онам, ёр-дўстим
Ёруг юзи, изиман!
4.
Бўлинмам жону дилим,
Юрагимнинг парчаси!
Мендай ёниб яшайди,
Дўстларимнинг барчаси!
5.
Суҳбат қурар юзма-юз
Бўлинма командири.
У ғамхўрим, содиқ дўст,
Қуролдош биродарим!

ЖАНГОВАР МАШҚ, МАЙДОНДА, ЕРМИ, ДАРЁ, ОСМОНДА...

1.
Бошқарганда танкимни
Куч қўшилар кучимга!
Мағлуб қилгандай ёвни
Сигмайман ич-ичимга!
2.
Замбаракдан тўп отсам,
Гулдирар замин, само!
Ёвлар уйи чил-парчин
Бўлар унга тор дунё!
3.
Учиб кўкка, фалакка
Парашютда ташлайман!
Ёғилиб ёв устига
Юрагини гашлайман!
4.
Бўлиб сергак сарҳадда,
Тиқ этганни сезаман!
Дарҳол ёвни йўқ қилиш
Режасини тузаман!
5.
Кўкда учсам лочиндай
Бирорта зоғ етолмас!
Шум ниятлн ганимнинг
Биронтаси соғ қолмас!
6.
Сувда сузсам балиқдай
Енгил, силлиқ кетаман!
Бир зумда мўлжал қилган
Манзилимга етаман!
7.
Жанговар машқ, майдонда,
Ерми, дарё, осмонда...
Посбонингман, Ватаним,
Яшайвер тинч замонда!

ГУРУҲДА БИЗ БИРИНЧИМИЗ

Мустақиллик шарофати билан мана олтинчи йилдирки, барча соҳаларда бўлгани каби спорт, жумладан футболимизда ҳам эзгу орзулар сари интилиш имкони ортиб бормоқда. Бу йил минг-минглаб мухлисларимиз умид билан кутаётган энг нуфузли жаҳон чемпионати саралаш баҳсларида ҳам қатнашиш миллий терма жамоамиз аъзоларига насиб этди.

Ҳамюртларимиз Осиё минтақасининг 5-саралаш гуруҳида илк учрашувнинёқ ғалаба билан бошлашган эди. 9 май куни Яман давлатида бўлиб ўтган ўйин 1:0 ҳисобида Ўзбекистон миллий терма жамоамиз фойдасига ҳал бўлганди. 25 май куни Тошкентда ўтказилган Камбожа терма жамоаси билан иккинчи учрашувда эса рақиб дарвозаси олти бор ишғол қилинди.

Айни дамда Осиё футболи ҳам юксалиш йўлига кириб бормоқда. Шунинг учун ҳар қандай рақибни нималарга қодир эканлигини тўғри баҳолаш, кеча қай аҳволда эдик, бугун нимани уддалай олишларидан аниқ хулоса ясаш керак. Терма жамоамизнинг Индонезияга сафари олдидан биз мухлисларда бироз ҳадиксираш ҳам йўқ эмасди. Тўғриси, шу ўйин дуранг натижа билан якунланишига ҳам рози эдик. Зеро, кейинги асосий баҳслар ўз уйимизда, мухлисларимиз қўллаб-қувватлашида ўтар, ғалабага ҳам ишонч баландроқ бўларди.

Шукрлар бўлсинким, мақсадимиз амалга ошди. Терма жамоамиз Индонезия давлатидаги учинчи учрашувни дуранг натижа билан якунлашди. Ушбу учрашувда дастлаб майдон эгалари ўн бир метрлик белгидан ҳисобни очишган бўлса, иккинчи бўлимда майдонга тушган ҳужумчимиз Олег Шацких жуда чиройли усул билан ҳисобни тенглаштирди. Бу ўйинни тўлиқ шарҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Ўтган куни телевидение ходимларининг ташаббуси билан уни барча мухлислар бемалол кузатишга муваффақ бўлишди. Биз шу нарсани ишонч билан айтишимиз мумкинки, насиб этса гуруҳимизда биринчи ўринни эгаллаб, саралаш баҳсларининг финал босқичида ҳам футболчиларимизни қўллаб турамиз.

Индонезия терма жамоасига қарши учрашувда Ўзбекистон миллий терма жамоамиз сафида қуйидаги футболчилар майдонга чиқишди:

Дарвозабон: — Павел Бугало («Пахтакор»).

Ҳимоячилар: Февзи Давлетов (МҲСК), Андрей Федоров («Нефтчи»), Рустам Шоймардонов («Дўстлик»), Бахтиёр Қамбаралиев (МҲСК).

Ярим ҳимоячилар: Абдуқаҳҳор Маъруфалиев («Навбаҳор») — Жаъфар Иримметов («Дўстлик»), Ҳўъмон Ҳасанов (МҲСК), Николай Ширшов («Пахтакор»), Равшан Бозоров, Сергей Лебедев («Нефтчи») — Илҳом Шарипов («Навбаҳор»).

Ҳужумчилар: Ойбек Умонхўжаев (МҲСК) — Олег Шацких («Навбаҳор»).

	У	Ю	Д	М	Т—Н	О
Ўзбекистон	3	2	1	0	8—1	7
Яман	4	2	1	1	8—1	7
Индонезия	4	1	3	0	10—2	6
Камбожа	5	0	1	4	1—23	1

МҲСК—„АНДИЖОН“—8:1

Чоршанба ва жума кунлари олий лига жамоалари иштирокида ўн биринчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Унда фақатгина «Бухоро» — «Афросиёб» жамоаларининг ўйини бошқа кунга қолдирилди. Бунинг боиси эса, республикамизда меҳмон бўлиб турган Германия олимпия терма жамоаси билан самарқандликлар ўртасида ўртоқлик учрашуви ташкиллаштирилишидир.

Мухлисларимизни хурсанд қиладиган воқеа эса МҲСК жамоамизнинг «Андижон» футболчилари устидан йирик ҳисобда устунликка эришгани бўлди— 8:1. Шу кунги ўйинда энг эътиборни тортадиган яна бир ҳолат ҳимоячи Февзи Давлетовнинг «хет-трик»ка эришганидир. Шунингдек, Ойбек Усмонхўжаев, Нўъмон Ҳасанов, Шуҳрат Раҳмонқулов ва Дмитрий Ивангородскийлар ҳам бир мартадан зафар қучишди. Андижонликлардан эса дастлаб Рустам Абдиев ўз дарвозасини «ишғол қилган» бўлса, учрашув якунланишига икки дақиқа қолганда Отабек Қиличев бир марта тўп киритишга эришди.

***

Қолган ўйинлар натижаси қуйидагича:

«Трактор» — «Янгиер» — 2:2, «Хоразм» — «Чилонзор» — 2:1, «Зарафшон» — «Насаф» — 1:1, «Дўстлик» — «Сурхон» — 1:0, «Косонсой» — «Пахтакор» — 2:1, «Атласчи» — Навбаҳор» — 1:2, «Нефтчи» — «Сўғдиёна» — 3:1.

(МҲСК — «Андижон» учрашуви ҳақидаги батафсил маълумот билан газетамизнинг, келгуси сонида таниишасиз). **Ўз мухбиримиз.**

Далеко ли до Парижа?

Показы моды в ташкентской гостинице «Интерконтиненталь» организуются фирмой «М. А. Сомрапу» не в первый раз. Накапливается опыт режиссуры, расширяется круг участников.

Подтвердил это очередной показ моделей «Время отдыхать». На нем были представлены образцы одежды для отдыха и занятий спортом—в преддверии сезона отпусков тема весьма актуальна.

Как объяснила на пресс-конференции художественный директор Светлана Мустафина, на сей раз в постановке организаторы решили обойтись без рискованных экспериментов с формой и жанром показа, отчего действие, несомненно, выиграло.

Удачно дополнили его выступления танцевальной группы «Дэнс машин» и лотерея со зрителями.

Явно украсило показ участие в нем гиганта легкой спортивной промышленности—фирмы «Адидас». Она предложила богатую, разнообразную коллекцию мужской и женской одежды для занятий теннисом, футболом и для других видов активного отдыха. В моделях были использованы такие аксессуары спорта и отдыха, как мячи, теннисные ракетки, солнцезащитные очки.

Интересные модели привезла из Карши модельер Лола Темирова. В них европейский стиль сочетается с национальными деталями, вкраплениями хан-атласа.

Своеобразным стилем отличается одежда из кожи с вышивкой «ришелье», бахрамой и бижутерией, предложенная уже хорошо известной ташкентским знатокам моды Диной Сайфи —лауреатом предыдущего показа.

Удачно подчеркивают фигуру модели Люды Байматовой, выполненные в стиле — современная небрежная элегантность.

Но пальмы первенства в этот вечер была удостоена молодежная коллекция Ирины Матариной. Сдержанность, скупое, но умелое использование цвета—эти черты пришлись по вкусу и жюри, и зрителям.

Рано пока говорить о том, что мода Узбекистана покорила мир, но то, что она пережила подъем, очевидно. По мнению специалистов, сейчас в центрах европейской моды ощущается усталость от старых, традиционных форм. Так почему бы нашему хан-атласу не покорить Париж?

В. МУРАТХАНОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **Д. ХАРИТОНОВА.**

ҲИКМАТЛАР

Ҳар нарсадан бир самара келади: хушмуомалаликдан — улуғлик, қаноатдан — роҳат, ихлосдан — муҳаббат.

Кимки хушмуомала бўлса, ҳурматга етади, ростгўй бўлса, қадри ошади. Кимки ёмон суҳбатидан қочса, яхшилар суҳбатига етишади.

***

Тўрт нарса эркакнинг белини синдиради: кўп душман, кўп қарз, кўп хотинлилик, номуроса аёл.

Тўрт нарса улуғликка даъват этади: илмни эъзозлаш, ёмонликни яхшилик билан бартараф қилиш, ғазабни ютиш, саволга дилдан жавоб бериш.

ЮСУФИЙ.

КРОССВОРД



ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 7. Разновидность легкого бетона. 8. Рыболовная снасть. 9. Денежная единица Японии. 10. Футбольная команда. 12. Курица-наседка. 13. Поэма К. Симонова. 14. Русский художественный и музыкальный критик. 16. Крепежная деталь. 18. Заключительный монолог в драме. 20. Живопись по сырой штукатурке. 24. Прибор для точных измерений линейных размеров изделий. 26. Вид стихотворения. 27. Отдельное помещение в гостинице. 28. Аз, буки, ... 29. Искусственный водоём. 30. Клумба прямоугольной формы.

ПО ВЕРТИКАЛИ: 1. Антисептик в медицине. 2. Роман Г. Сенкевича. 3. Кинжал с трехгранным клинком. 4. Единица длины в ряде стран Латинской Америки. 5. Французская писательница. 6. Автор романа «Кащеева цепь». 11. Минерал, руда марганца. 12. Английский исследователь Африки. 15. Штат Бразилии. 17. Род растений, касатик. 19. Управляемое движение летательного аппарата. 21. Узел вяжущей машинки. 22. Денежная единица Украины. 23. Способ проявления комического в искусстве. 24. Главное богослужение католической церкви. 25. Российский живописец.

ОТВЕТЫ НА КРОССВОРД, ОПУБЛИКОВАННЫЙ В № 64

ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 5. Квартира. 7. Баргузин. 9. «Атлас». 10. Виадук. 12. Снеток. 13. Приоритет. 16. Статист. 17. Афинаж. 18. Арбузов. 20. Клиринг. 24. Панегирик. 26. Сейнер. 27. Нансен. 28. Ордер. 29. Саврасов. 30. Искандер.

ПО ВЕРТИКАЛИ: 1. Квалитет. 2. Пантеон. 3. Абразия. 4. Листовка. 6. Тулуп. 8. Грант. 11. Краснодар. 12. Сейфуллин. 14. Струг. 15. Фибра. 19. Резервуар. 21. Несессер. 22. Петрова. 23. «Фиделио». 24. Пемза. 25. Карта.

ПОГОДА

С 7 по 9 июля в республике сохранится сухая, жаркая погода. Температура воздуха ночью 17—22, днем — 32—37. В южных областях и в пустынной зоне ночью — 19—24, днем — 34—39 градусов тепла.

Мудофаа Вазирлигининг алоқа бошқармаси жамоаси бошқарма бўлим бошлиғи полковник Холмурод Аширбоевга отаси

Аширбой ТОШМЕТОВнинг

вафот этганлиги мупосабати билан чуқур таъзия изҳор этдилар.

ТЕЛЕПРОГРАММА „30 КАНАЛ“

ПОНЕДЕЛЬНИК 9 ИЮНЯ

17.05 Телегазета «ТВ-партнер».
17.10 «Карапуз ТВ» представляет...
17.40 «Девушки-соседки», сериал для подростков (Франция).
18.05 «Гваделупе», телесериал (Испания).
18.45 «Кулисы».
19.00 Телегазета «ТВ-партнер».
19.05 «Аляска Кид», телесериал.
19.55 «Открытые небеса»: «Своими руками».
20.25 Синемания.
20.55 Мультик на ночь: «Сейлормун», мультсериал (Япония).
21.25 «Закон Лос-Анджелеса», телесериал (США).
22.15 Телегазета «ТВ-партнер».
22.20 «Вдова Бланко», телесериал (Венесуэла).
23.05 «Хл-Мусик».
23.30 «Чертова служба в госпитале МЭШ», телесериал (США).
После полуночи на 30-м:
24.00 «Безымянная звезда», романтическая мелодрама, 1-я серия.
1.05 Анонс телепрограмм.

ВТОРНИК 10 ИЮНЯ

17.00 «Сегодня на 30-м канале», анонс телепрограмм.
17.05 Телегазета «ТВ-партнер».
7.10 «Карапуз ТВ» представляет...
17.40 «Девушки-соседки», сериал для подростков (Франция).
18.05 «Гваделупе», телесериал (Испания).
18.45 «Галины рецепты».
19.00 Телегазета «ТВ-партнер».
19.05 «Аляска Кид», телесериал.
19.55 Документальный фестиваль «Америка».
20.55 Мультик на ночь: «Сейлормун», мультсериал (Япония).
21.25 «Закон Лос-Анджелеса», телесериал (США).
22.15 Телегазета «ТВ-партнер».
22.20 «Вдова Бланко», телесериал (Венесуэла).
23.05 Спортивная программа.
23.30 «Чертова служба в госпитале МЭШ», телесериал (США).
После полуночи на 30-м:
24.00 «Безымянная звезда», романтическая мелодрама, 2-я серия.
1.10 Анонс телепрограмм.

СРЕДА 11 ИЮНЯ

17.00 «Сегодня на 30-м канале», анонс телепрограмм.
17.05 Телегазета «ТВ-партнер».
17.10 «Карапуз ТВ» представляет...
17.40 «Девушки-соседки», сериал для подростков (Франция).
18.05 «Гваделупе», телесериал (Испания).
18.45 «Комильфо».
19.00 Телегазета «ТВ-партнер».
19.05 «Аляска Кид», телесериал.
19.05 Документальный фестиваль «Америка».
20.55 Мультик на ночь: «Сейлормун», мультсериал (Япония).
21.25 «Закон Лос-Анджелеса», телесериал (США).
22.15 Телегазета «ТВ-партнер».
22.20 «Вдова Бланко», телесериал (Венесуэла).
23.05 «Полицейские», док. сериал (США).
23.30 «Чертова служба в госпитале МЭШ», телесериал (США).
После полуночи на 30-м:
24.00 «Генеалогия преступления», психологическая драма.
1.50 Анонс телепрограмм.

ЧЕТВЕРГ 12 ИЮНЯ

17.05 Телегазета «ТВ-партнер».
17.10 «Карапуз ТВ» представляет...
17.40 «Девушки-соседки», сериал для подростков (Франция).
18.05 «Гваделупе», телесериал (Испания).
18.45 «Клуб-1300».
19.00 Телегазета «ТВ-партнер».
19.05 «Аляска Кид», телесериал.
19.55 «Комики мирового кино»: Ч. Чаплин.
20.25 Мир чудес Анжелики Эффи.
20.40 Дамский клуб «Элита».
20.55 «Мультик на ночь: «Сейлормун», мультсериал (Япония).
21.25 «Закон Лос-Анджелеса», телесериал (США).
22.15 Телегазета «ТВ-партнер».
22.20 «Вдова Бланко», телесериал (Венесуэла).
23.05 «Полицейские», док. сериал (США).
23.30 «Чертова служба в госпитале МЭШ», телесериал (США).
После полуночи на 30-м:
24.00 «Трактир на Пятницкой», детектив.
1.30 Анонс телепрограмм.

ПЯТНИЦА 13 ИЮНЯ

17.00 «Сегодня на 30-м канале», анонс телепрограмм.
17.05 Телегазета «ТВ-партнер».
17.10 «Карапуз ТВ» представляет...
17.40 «Девушки-соседки», сериал для подростков (Франция).
18.05 «Гваделупе», телесериал (Испания).
18.45 «Висол», мусиний дастур.
19.00 Телегазета «ТВ-партнер».
20.25 «Мода, мода».
20.40 «О чем пищат устрицы».
20.55 Мультик на ночь: «Сейлормун», мультсериал (Япония).
21.25 «Закон Лос-Анджелеса», телесериал (США).
22.15 Телегазета «ТВ-партнер».
22.20 «Вдова Бланко», телесериал (Венесуэла).
23.05 «Полицейские», док. фильм (США).
23.30 «Чертова служба в госпитале МЭШ», телесериал (США).
После полуночи на 30-м:
24.00 «Первая власть», мистический триллер.
1.35 Анонс телепрограмм.

СУББОТА 14 ИЮНЯ

17.00 «Сегодня на 30-м канале».
17.05 Телегазета «ТВ-партнер».
17.10 «Карапуз ТВ» представляет...
18.00 «Семейка Адамс», юмористический сериал (США).
18.30 «Воздушный цирк Монти Пайтона», юмористическая программа (Англия).
19.00 Телегазета «ТВ-партнер».
19.05 «Аляска Кид», телесериал.
20.00 «Секретные материалы», телесериал (США).
20.50 Мультик на ночь: «Сейлормун», мультсериал (Япония).
21.20 «Империя», телесериал (США — Мексика).
22.10 Телегазета «ТВ-партнер».
22.15 «Дорога в Эйвонли», телесериал (Канада).
23.05 «Муз-кан».
23.20 «Видеомода».
23.45 «Мой чемпион».
После полуночи на 30-м:
24.00 «Модный брак», мелодрама.
1.40 Анонс телепрограмм.

ВОСКРЕСЕНЬЕ 15 ИЮНЯ

9.00 «Сегодня на 30-м канале», анонс телепрограмм.
9.05 «Карапуз ТВ» представляет:
«Дикие коты»,
«Симпсоны», мультсериалы.
10.10 «Кроха».
10.25 «Азбука детства».
10.40 Планета «Здоровье».
11.00 «Мимо окон идут поезда», мелодрама.
12.35 «Слухи», музыкальная программа.
13.00 «Гвоздь» с С. Альтовым.
13.15 Клуб «Белый попугай».
13.55 «Полчаса о туризме».
14.15 «Средство Макропулоса», мюзикл.
16.25 Анимация от «А» до «Я».
16.55 Дог-шоу «Я и моя собака».
17.15 Телегазета «ТВ-партнер».
17.20 «Карапуз ТВ» представляет...
18.00 «Каникулы любви», юмористический сериал для подростков (Франция).
19.00 Телегазета «ТВ-партнер».
19.05 «Аляска Кид», телесериал.
20.00 «Секретные материалы», телесериал (США).
20.50 Мультик на ночь: «Сейлормун», мультсериал (Япония).
21.15 Астрологические рекомендации.
21.25 «Империя», телесериал (США — Мексика).
22.10 Телегазета «ТВ-партнер».
22.15 «Дорога в Эйвонли», телесериал (Канада).
23.00 «Просто собака».
23.15 «АВТОграф».
23.45 «Экстраспорт».
После полуночи на 30-м:
24.00 «Ф... как Фербенкс», психологическая мелодрама.
1.35 Анонс телепрограмм.

* В программе возможны изменения.

Бош муҳаррир подполковник
И. Қ. АБДУКАРИМОВ.

Адрес редакции: 700031, г. Ташкент, ул. Чакулаева, 21

Зам редактора — 56-17-98; отв. секретарь — 56-04-60. Отделы воинской службы и воспитательной работы — 69-45-55; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48; социологии и рекламы — 56-54-76; подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44. Начальник издательства — 56-04-90; дежурный — 56-09-81; бухгалтерия — 56-03-82.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Типография газеты «Ватанпарвар».

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 50.
Зак. № 0246.